

371

УУ98

Р.Г.САФАРОВА, Ф.И.ЮСУПОВА, Г.Т.СУЛАЙМОНОВА,  
Х.И.ЮСУПОВА, Н.ДИЛОВА, Р.Т.СУЛАЙМОНОВ

ҮҚУВЧИЛАРДА ЎЗАРО ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРГА  
АСОСЛАНИБ ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ  
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА  
ОИД НАЗАРИЙ АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ

Р.Г.САФАРОВА, Ф.И.ЮСУПОВА, Г.Т.СУЛАЙМОНОВА,  
Ҳ.И.ЮСУПОВА, Н.ДИЛОВА, Р.Т.СУЛАЙМОНОВ

ЎҚУВЧИЛАРДА ЎЗАРО ДЎСТОНА  
МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНИБ  
ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ  
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА  
ОИД НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 330.1 (075)  
КБК 74.202я2

**Р.Х.Сафарова, Ф.И.Юсупова, Г.Т.Сулаймонова, Х.И.Юсупова, Н.Дилова, Р.Т.Сулаймонов.** Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришга оид назарий-амалий ёндашувлар. -Т.: «Фан уа \*ехпо!о§1уа», 2012, 116 бет.

**I8BN 978-9943-10-824-0**

Ушбу монографиада педагогик ҳамкорлик, унинг назарий асослари, педагогик синергетика, педагогик синергетиканинг максад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятлари, бу соҳадаги дастлабки ёндашувлар, педагогик ҳамкорлик жараёнининг мазмуни, шакли, воситалари, ўқувчи-ўқувчилар ҳамда ўқувчилар билан ўқувчилар ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари, миллатлараро мулоқот ҳамкорликнинг мухим шакли эканлиги, диалог ва тренинглар ўқувчиларни ҳамкорликка тайёрлашнинг асосий усуслари сифатида намоён бўлиши каби мухим қарашлар, назарий-методологик ёндашувлар баён қилинган. Бу соҳадаги мавжуд тажрибалар таҳлил этилган. Амалга ошириладиган ишлар, уларнинг педагогик характеристери изохланган.

Мазкур китоб педагог олимлар, ёш мутахассислар, таълим соҳаси ходимлари, изланувчилар, педагогика олий ўқув юрти талабалари, малака ошириш курсларининг тингловчилари учун мухим назарий манба, дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

УДК: 330.1 (075)  
КБК 74.202я2

**Тақризчилар:**

**Р.Х.Джураев - п.ф.д., проф;**  
**Ш.К.Мардонов - п.ф.д.**

**I8BN 978-9943-10-824-0**

—, — © «Фан уа \*ехпо!о§1уа» нашриёти, 2012.

## **МУҚАДДИМА**

Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш муаммоси педагогика назариясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, унинг назарий асослари педагогик синергетика доирасида тадқиқ этилмоқца. Педагогик синергетика, яъни ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш учун мухим аҳамиятга эга. Бу ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини ҳамкорликда, мустақил тарзда ташкил этишга оид назарий ёндашувларни ўз ичига олиб, мазкур назария фаолиятни ташкил этиш ходисаси билан боғлиқ бўлган янги дунёкарашdir.

Синергетика (юнон. **8ипег§е1а** - ҳамкорлик, ҳамжихатлик) - таълим жараёни субъектлари фаолиятини ўзаро ҳамкорликда мустақил тарзда ташкил этиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, номунтазам ходисаларни ўрганиш, дунёни янгича изохлаш, табиий ва ижтимоий-иктисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, янгича тафаккур услуги.

Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш назариясини яратиш XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига педагогиканинг ўта долзарб муаммоси сифатида намоён бўла бошлади. Педагогик ҳамкорлик таълим жараёни субъектлари ривожланишининг тадрижий йўлини намоён қиласди. Педагогик ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятлари ва муносабатлари уйғунлашади ҳамда кўпроқ ижодий характер касб эта бошлади. Бунинг натижасида жамият аъзолари орасида дўстона муносабатларга асосланган ижодий ҳамкорлик мухити вужудга келади. Педагогик ҳамкорлик таълим жараёни субъектлари орасидаги ўзига хос жихатларни хисобга олишни такозо қиласди. Бундай мақсадга эришиш учун эса мазкур йўналишда кенг кўламли фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Ҳамкорликда таълим олиш ва ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўник-

маларини шакллантириш ўқитишнинг муҳим методи хисобланади. Бу жараёнда ўқувчилар ўқув вазифалари билан боғлиқ тарзда биш қатор муаммолар устида изланадилар, муайян лойихаларни ишлаб чиқадилар. Дўстона муносабатларга асосланган ҳолда ҳамкорликда фаолият кўрсатиш синф-дарс тизими таркибида вужудга келиб, ривожланадиган педагогик ҳодисадир. Ўқувчиларнинг ҳамкорлик-\* даги фаолият кўрсатишлари жараёнида билимлар ва ахборотлар уларга ўқитувчи томонидан такдим этилмайди. Балки замонавий педагогик назариялар ва концепцияларни кўллаган ҳолда ўқувчилар орасида фаол, ишчан диалог натижасида вужудга келади. Ўқувчиларнинг дўстона муносабатларга асосланган ҳолда фаолият кўрсатишлари натижасида уларнинг ўқув-билув майлари ривожланади, ўқув мақсадига эришиш учун кулай ижобий мухит таъминланади.

Ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона мухитни вужудга келтириш шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Мактабдаги ўқув-билув жараёни ўқувчининг ҳуқуклари ва эркинликларини химоя қилиш асосида ташкил қилиниши лозим. Ўқувчиларда ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмалари вужудга келганда уларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўзаро тенглик мухити хукмронлик килади. Ўқувчиларга нисбатан дўстона муносабат мухити ўзаро адолатли муносабатлар замонида яратилади. Адолат бор жойда ҳақиқат, ҳақиқат бор жойда ўзаро хурмат мухити хукм суради. Ўқувчилар орасида ўзаро хурмат шаклланган таълим жараёнида дўстона муносабат, ўзаро гамхўрлик, меҳр-муруват карор топади. Бу жараёнда барча ўқувчилар бир-бирларига меҳр кўрсатадилар, уларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари кенгаяди.

Ўқувчилар орасидаги дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш учун куйидагиларни амалга ошириш керак:

- ўқувчилар фаолиятини муайян тартиб асосида ташкил этиш;
- ўқувчилар жамоаси орасида ижодкорлик ва бағрикенгликка асосланган ўзаро дўстона мухитни вужудга келтириш кабилар.

Ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш учун мазкур мақсадга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил этиш ва дидактик жиҳатдан таъминлаш лозим. Бунинг учун ўқув-

тарбия жараёнининг очиқ характер касб этиши ва ўзаро ахборотлар алмашинуви учун қулай бўлишини таъминлаш керак.

Таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ўқувчиларда онгли фаолият кўрсатиш кўникмасини таркиб топтириш, уларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ўқувчилар мураккаб, руҳий инқирозлар вужудга келадиган, юкори қувватга эга бўлган, шиҷоатли, янгиликка чанкоқ, оламни ўзлаштиришга интигувчан, мустақиллик ва мослашувчанликка мойил, хулқ-авторида ижтимоий меъёрларнинг шаклланадиган жадал суръат билан кечадиган бўладилар. Шунга кўра, куйидагиларнинг муҳимлиги кузатилмоқда:

- ўқувчиларга такдим этиладиган ахборотлар ҳажмининг кенглиги ва уларни ўзлаштириш ўзаро ҳамкорлик ва фикр алмашини мухитини тақозо килишига эришиш;

- ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисми сифатида на-моён бўлишини таъминлаш;

- ўқувчилар орасидаги дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик негизида ўзаро ахборот алмашини мухитини таъминлаш; иш имкониятини кенгайтириш кабилар.

Жамият хаётида инсон учун ҳамкорликца фаолият кўрсатиш қуввати билан бир қаторда, ҳамжиҳатликда ривожланиш имконияти ҳам мавжуд.

Бугунги кунда ҳамкорлик шахс тафаккурининг ўзгариши на-тижасида вужудга келмоқда. Ҳамкорликни ташкил этувчи тушунчаларнинг таркиби инсоннинг замонавий тафаккурини ифодалайди,

Педагогик ҳамкорликни ифодаловчи синергетика атамаси ўзбек тилига яқиндагина кириб келди. У ўзаро келишувга асосланган биргаликдаги ҳаракат, ҳамкорлик, ўзаро дўстлик маъноларини англатади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, синергетика шахслараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг таркибий асослари, ривожланиш динамикаси ва эски структураларнинг инқирозга учраш сабабларини қиёсий жиҳатдан ўрганади.

Мутахассислар ҳамкорликнинг турли жиҳатларига кўра, унинг таснифини яратишга муваффақ бўлганлар. Жумладан, улар томонидан ҳамкорликнинг когнитив модели ҳам такдим қилинган. Бу модел шахснинг амалий фаолияти билан боғлиқ ижодий

ҳамкорликни ифодалайди. Ҳамкорликнинг билишга асосланган модели ҳам мавжуд.

Инсон ҳар доим тўпланган тажрибалардан ўз фаолиятида фойдаланишга эҳтиёж сезади. Бугунги кунда ҳамкорлик назарияси бошка методологик парадигмалар орасида муҳим ўрин эгалламоқда. Бу айниқса, педагогика, социология, психология ва фалсафага оид ёндашувларда яккол намоён бўлмоқда. Ҳамкорликка асосланган билиш жараёни таълим тизимида таяниладиган конуниятларни тақозо қилади. Биринчи навбатда, уларнинг ривожланишидаги зиддиятлар ва тадрижийлик назарда тутилади. Бундай шароитда кўплаб ижтимоий-педагогик холатларни хисобга олиш имконияти мавжуд.

Ҳамкорлик назарияси шак-шубҳасиз педагогик тадқиқотлар методологиясини бойитади. Бу ўринда интуицияга асосланган башоратлар ҳамкорликнинг конструктив модели сифатида намоён бўлади. Ҳамкорлик категорияларининг уйғунлиги педагогика ва антропология, маданиятшунослик, ижтимоий ҳамда тарихий психология, ахлоқшуносликнинг анъанавий муаммоларига янгича назар билан қарашни тақозо қилади. Бунинг учун, педагогикада шахслараро боғлиқликнинг жуда кам ишланган жиҳатларига мурожаат килинади.

Ҳамкорлик педагогикасининг бугунги кунга қадар тадқиқ этилмаганлигининг асосий сабаби таълимнинг тўла маънода ўқувчилар шахсига йўналтирилмаганлигидадир. Ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатларини анъанавий таълим шароитида татбиқ қилиш ўта мураккаб масаладир. Биз амалиётда бундай урнишларнинг мавжудлигини ҳам кузатдик.

Ҳамжиҳатлик ёрдамида ўқувчилар дунёга янгича назар билан қарай бошлайдилар. Педагогик ҳамкорлик назариясини кенг кўламда ёритиш учун мазкур муаммога мурожаат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳамкорлик назарияси яхлит тизимнинг ривожланиши оркали унинг кисмлари ҳақида хulosा чиқариш имконини беради. Бундай холат педагогика учун ниҳоятда муҳимдир. Аксарият педагоглар гурух билан ишлайдилар. Бунинг асосий сабаби, улар гўёки кўплаб номаълум нарсаларни ечиш жараёнини муво-фикаштирадилар.

Бугунги кунда асосий эътибор ўсиб келаётган ёш авлодга сифатли таълим-тарбия беришга қаратилмоқда. Шунга кура, педагогика фани учун ривожланаётган шахсада фаол ижод қилиш

кўникмаси, ижтимоий жиҳатдан янги сифатлар, жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга тайёр туриш кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлган таълим мақсади устуворлик қilmokda. Таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқувчиларда шахсий сифатларни шакллантириш кўп жиҳатдан умуминсоний эҳтиёжлар билан боғлиқ тарзда вужудга келмоқда. Педагогика фанида маданий моделдан ижтимоий ҳамда маданий шакллантириш парадигмасига ўтилмоқда. Таълим тизимини такомиллаштириш, ижтимоий педагогика тармогини кенгайтириш, авторитар педагогикадан возкечиш, ўқувчи шахсиятини биринчи ўринга қўйишини тақозо қilmokda. Ўқувчининг талабларини қондириш учун унинг ўзига хос негбинлиги, лаёқатлари, қобилиятини ривожлантириш лозим.

Ҳамкорликка асосланган педагогика ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ифодаловчи тизим бўлиб, бу жараёnda жамоанинг ижодий қувватлари ва фаолият самарадорлиги намоён бўлади. Янги мақсадларни рўёбга чиқариш имконияти таъминланади. Бу мақсад - ўқувчилар жамоасини уларнинг кучлари ёрдамида қўшимча ижодий натижани қўлга киритишга ўргатишдан иборат. Ҳамкорлик педагогикаси янги ўкув воситалари ёрдамида мулокот жараёнини оптималлаштиради ҳамда ахборотли маҳсулотларни ишлаб чиқади ва ўкув жараёнига татбиқ этади. Шунинг учун ҳам, ҳамкорлик педагогикаси таълим жараёнида қўллаш учун ўкув материалларига ишлов беришда янги таълим методларидан фойдаланади. Шу мақсадда ҳамкорлик педагогикаси бир катор фан соҳалари билан кесишиади. Жумладан, ижтимоий мулокот назарияси, ахборот технологиялари, мантиқ, тилшунослик, шунингдек, шахсий кузатишлар ва тажриба-синов натижалари, психологияга оид билимлар кабилар.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳамкорликка асосланган ижодий фаолиятини ташкил этиш учун ахборотли маҳсулотларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Педагогика фани учун умумлашган қувватларни қўлга киритиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, у янги билимларни ўзлаштиришни таъминлайди. Умумлашган қувватларни сарфлаш ўкув жараёнида жуда зарур хисобланади.

Ҳамкорлик назарияси ўзида қуйидагиларни мужассамлаштириши керак:

1) ўқувчиларнинг қувватларини мужассамлаштириш асосид умумлашган натижани кўлга киритишга асосланган жамо меҳнатини ташкил этиш технологияси;

2) интеллектуал технологияларга асосланган ахборотларг ишлов бериш усуллари кабилар.

Бундай ёндашув натижасида интеллектуал маданиятнин юкори даражасига эришиш таъминланади. Таълим жараёнид ўқувчиларни ҳдр томонлама ривожлантириш тамоман янги илмий педагогик асосларга таянишни тақозо қилмоқда. Умумий ўрт таълим олдига қўйилган мақсад, вазифа ва тамоилларни амалп ошириш нафақат таълим мазмунини ўзгартиришни талаб қилмоқда балки унинг шакллари, методлари, ўқитувчи фаолиятини хая такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж кучаймоқда.

Бугунги кунда педагогика фанида ҳамкорликдаги фаолият, дўстона муносабатга асосланган ўқув жараёнини ташкил этап зарурияти пайдо бўлмоқда. Бундай ўқув вазияти педагогик\* ҳамкорлик жараёни деб номланмоқда. Педагогик ҳамкорлик билав боғлиқ бўлган масалалар В.А.Аршинов, Ю.А.Данилов, Б.Б.Кадомцев, С.П.Капица, Е.Н.Князева, С.П.Курдюмов, А.Ю.Лоскутов, А.П.Назаретян, Дж.Николис, И.Пригожин, И.Стенгерс, Г.Хакенларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Ривожланган мамлакатларда ҳам ҳамкорлик педагогикасига оид бир катор изланишлар амалга оширилган. Мазкур ишларда таркиблашмаган ва муайян тартибга солинмаган муносабатларнинг мавжуд эмаслиги таъкидланади.

Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, педагогик ҳамкорликка асосланган ёндашувлар мураккаб, номунтазам, очик тизимларни ҳар томонлама билиш асосида вужудга келар экан. Мутахассислар таълим жараёнини хам шундай тизимлар жумласига киритганлар.

Бугунги кунда таълим жараёнининг ҳамкорликка асосланишига алохида эътибор қаратилмоқда. Педагогик ҳамкорлик асосида вужудга келган билимларнинг мустаҳкамлиги мутахассислар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Педагогик нуктаи назардан ўз фаолиятини ташкил этишнинг алохида жиҳатлари М.В.Богуславский, В.Г.Буданов, В.Г.Виненко, Л.Я.Зорина, В.А.Игнатова, Г.Г.Малинецкий, В.В.Маткин, Л.И.Новикова, Е.Г.Пугачева, Н.М.Таланчук, Д.И.Трубецков, О.Н.Федорова, С.С.Шевелева, КХВ.Шарониларнинг ишларида ўз аксини топган.

Таълим жараёнини ҳамкорлик назариясига оид ёндашувлар асосида ташкил этиш масаласи кун сайн долзарблашмоқда. Бунда тизимли, вазиятли, худудий ёндашувлар, ўзбек халқининг миллий менталитета, бағрикенглигига асосланиш мухим ўрин эгаллаши лозим. Биз изланишларимиз давомида мазкур ёндашувлар ва халқаро тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқлигини эътироф этган холда иш кўрамиз. Чунки мазкур ишлар ва ёндашувларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликдаги таълимнинг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган ҳамда таълимий фаолиятдаги ҳамкорлик қонуниятлари очиб берилган. Тадқиқотларда шу нарса назарий жиҳатдан асосланганки, педагогик ҳамкорликка йўналтирилган фаолият мустақил билим олиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда, ўқувчини йўналтирувчи ва кўзғатувчи таъсирга ҳам эга бўлиб, ўзи ва ўзгалар билан ҳамкорлик жараёнда унинг ўз имкониятларини очиши ва ўз-ўзини такомиллаштиришига кўмаклашиши назарий-амалий жиҳатдан ёритилган.

Педагогик ҳамкорлик масаласи кенгкўламда тадқик этилаётганлигига қарамасдан, педагогик ҳамкорлик, ҳамкорликка оид ёндашувлар ўзининг ягона талқинига эга бўлмаяпти. Бу масалалар педагогика фанида кенг талқин этилиши ва назарий жиҳатдан асосланиши лозим. Шу билан бир қаторда, ҳамкорлик жараёнда ўқувчи шахсининг интеллектуал ва сифат жиҳатдан қай даражада ўзариши илмий жиҳатдан асослаб берилмаган. Педагогик ҳамкорликни амалга ошириш жараёнда ўқитувчидаги янгиликларни қабул қилишга мойиллилар ортиши, унга ахборотларни фаол, мақсадга йўналтирилган холда фойдаланиш имконини беради. Ўзининг ички қувватлари ва майлларини фаоллаштиришга кўмаклашади, уни ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтиради.

Шу билан бир қаторда, ҳамкорлик тамоилларига асосланган холда таълим жараёнини ташкил этиш янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда. Таълим жараёнда бир катор зиддиятларнинг мавжудлиги туфайли ҳам ўқув жараёнини педагогик ҳамкорлик асосида ташкил этиш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам долзарблашмоқда. Жумладан:

- ўқитувчи фаолиятида ҳамкорликка асосланган ёндашувни татбиқ этиш зарурияти билан педагогик ҳамкорликнинг концептуал асослари етарлича ишлаб чиқилмаганлиги орасида;

- анъанавий мунтазам тафаккур тарзи билан номунтаза<sup>^</sup> ишончли тафаккур тарзи орасида;
- шахсга йўналтирилган таълимни тарғиб этиш билан уни амалга оширишнинг самарали технологиялари мавжуд эмаслиги орасида; ]
- мавжуд идеаллар, ғоялар асосида ташкил этилган таълим] тизими билан кўпвариантли, рангбаранг мазмунга эга булгам таълимнинг очик модели орасида;
- инсоннинг оламни ўзлаштириши турли **усулларинин<sup>1</sup>** интеграцияси билан табакалашуви орасида;
- ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг шакллари ва методлари номутаносиблиги билан ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари хамда эхтиёжлари орасида зиддиятлар кузатилмокда.


## **ІБЎЛИМ. ПЕДАГОГИК ХАМКОРЛИККА ОИД НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР**

### **1.1. Ўқув хамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва дидактик-психологик йўналишлари**

Ўқитувчи хам ўқувчилар хам таълим жараёнининг иштирокчилари хисобланадилар. Уларнинг хар иккаласи айни пайтда таълим жараёнининг ўзаро тенг хукукли субъектларидирлар. Шунинг учун хам ўқув-тарбия жараёнини фақатгина ўқувчиларга йўналтириш педагогик нуктаи назардан тўғри эмас. Ўқитувчи хар доим ўқувчиларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатади. Айни пайтда ўқувчилар хам ўқитувчига таъсир кўрсатиш кучига эга. Шунинг учун хам ўқув-билив жараёни ўзаро хамкорлик жараёни сифатида баҳоланади.

Кишилар орасидаги хар қандай хамкорлик ва муносабат мақсадга йўналтирилганлиги ва онгли тарзда амалга оширилиши билан тавсифланади. Хамкорлик жараёни иштирокчиларининг мақсадлари умумий йўналишга эга бўлиб, унда хар бир иштирокчи ўз кучини назорат қиласи. Хамкорлик иштирокчилари ўз олдиларига қўйган мақсад билан боғлиқ холда у турли-туман шаклларга эга бўлади. Жумладан, хамкорлик - умумий-мақсадларга эришиш йўлида биргаликда куч-куват сарфлаш демакдир. Маънавият: асосий тушунчалар изохли лугатида "Хамкорлик - турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гурухларнинг умумий мақсад йўлидаги маънанан бирлашувини ифодалайди"<sup>1</sup>, дея таъриф берилган. Педагогик хамкорлик деганда эса, таълим жараёни иштирокчиларининг ўқув мақсадларига эришиш йўлидаги биргаликдаги фаолиятлари тушунилади. Зиддият эса таълим жараёни субъектларидан хар бирининг мақсадлари бир-бирини инкор этганда вужудга келади. Қаршилик кўрсатиш - таълим жараёни иштирокчилари олдига кўйилган ягона мақсадга эришишга улардан бири қаршилик кўрсатганда вужудга келади.

Ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигига улар ўзаро мулоқот! киришадилар. Бунинг натижасида таълим жараённан муракка! тизимга асосланган ўзаро муносабат вужудга келади. Бу таълил жараённинг ичидаги амалга ошади. Мазкур тизим ўзаро чамбарча\* болганган муносабатларга асосланган таркибий қисмларга эга Жумладан, бошқариш - масалан, таълим вазирлиги, маҳаллий таълим бошқармалари, шаҳар, туман халқ таълими бошқармалари, таълим муассасаларини бошқариш кабилар бунга мисол бўла олади. Таълим муассасалари маъмурияти - директор, директор ўринбосарлари; педагогик кенгашлар, педагогик жамоа, синф ўқувчилари, синф ичидаги гурухларнинг аъзолари.



*1-расм.* Таълим жараённан амалга ошириладиган ҳамкорликнинг таркибий қисмлари

Мазкур таркибий қисмларнинг ҳар бири бошқалари билан ўзаро алоқадорликка эга. Улар орасидаги ўқув муносабатлари ҳамкорликда, умумий натижага эришишга йўналтирилган холда амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда таълим тизимлари бошқа тизимлар билан ҳам ўзаро муносабатга киришади. Бундай тизимлар сирасига оиласалар ва маҳаллаларни киритиш мумкин. Буларнинг барчаси синфдаги ўқув жараённига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бу ўқувчиларнинг ўқув жараёни ва ўқитувчига бўлган муносабатларида ўз ифодасини топади. Мазкур муносабат ўқув жараённинг характеристери ва ўқувчиларнинг хаётий тажрибаларига боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Таълим жараённан кўпхадли ҳамкорлик амалга ошади. Унда ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг шахсий-педагогик муносабатлари, ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари ҳамда шахсларо муносабатлар ифодаланган бўлиб, у ўқув жараённига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади.

"Ўқитувчи-ўқувчи" муносабатлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги турли шаклларда амалга ошади. Жумладан:

- индивидуал ишлар шаклида;
- синф-дарс тизими жараённанда;
- ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ўқитувчининг маслаҳатлари тарзида;
- гурухли-лаборатория иши орқали кабилар.

Ҳамкорликнинг ҳар қандай шаклида тарафлар ўзларининг фаолликларини намоён қиласадилар. Ўқувчиларнинг фаолликлари кўпроқ ҳамкорликнинг индивидуал шаклларида амалга ошади.

Бугунги кунда ўқув педагогик муносабатлар ҳамкорликнинг янги шаклларида намоён бўлмоқда. Ишчан ҳамда ролли ўйинлар, тренинглар давомида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу тарика ўқув ҳамкорлиги мунтазам тарзда мураккаблашиб, турли шаклларда намоён булмоқда.

Уқув-педагогик ҳамкорлик субъект-субъект муносабатлари даражасида амалга ошади. Анъанавий таълим жараённан ҳамкорликнинг фаол субъекта сифатида ўқитувчи тавсифланадиган бўлса, шахсга йўналтирилган таълим жараённанда эса ўқувчилар билимларни ўзлаштирувчи, уларни қўлловчи ва ўз фаолиятларини баҳоловчи субъект сифатида алоҳида фаоллик кўрсатадилар. Шунинг учун ҳамкорлик жараённинг барча субъектлари фаол

тарзда ўкув ҳаракатларини амалга оширувчи субъектлар сифатида баҳоланадилар. Ўқувчиларнинг асосий ўкув ҳаракатлари синфда амалга оширилар экан, улар ўзаро ҳамкорликка киришадилар, ўқитувчининг топшириқларини бажариш жараёнида эса бутун синф жамоаси ягона мақсад атрофида бирлашади. Шунинг учун хам ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлиги субъект-субъект тарзидаги жамоавий муносабатлар сирасига киради. Улар ягона мақсад атрофида бирлашган ҳолда ҳамкорликка киришганиклари учун ҳам мужассамлашган тарзда таълим жараёнининг субъектлари хисобланадилар. Мазкур жараёнда ҳамкорлик иштирокчилари орасида руҳий алокা вужудга келиб, кўпкіррали, барқарор таълим жараёни амалга ошади.

Бундай алокা субъектларнинг руҳий умумийликлари ўзаро бир-бирларини тушунишлари, ўзаро манфаатдорликлари ва бир-бирларига ишонишлари туфайли вужудга келади. Бундай алока ҳамкорлик жараёни субъектлари томонидан англашган, ижобий, ўзаро муносабатларни мустаҳкамловчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Мазкур алока натижасида ҳамкорлик субъектларининг шахсияти юксалиб, хиссий қоникиш пайдо бўлади. Алоканинг ички механизми субъектларнинг хис-туйғулари ва биргалиқдаги ҳаракатларида намоён бўлади.

Ҳамкорлик фалсафий-антологик тушунча хисобланади. Мазкур ҳодиса ўзаро ҳамкорлик асосида бир-бирига боғланиши, таъсир кўрсатиши ва турли обьектларнинг ўзаро муносабатини англашади.

Шахслараро ҳамкорлик ҳар иккала томоннинг фаоллигини англашади. Бироқ, уни амалга оширувчи чора-тадбирлар турличадир. Бу фаоллик ташаббускорлик ёки ўзаро таъсирга асосланган ҳолда вужудга келади. Ҳамкорлик жараёнининг субъектлари муайян фаолиятни амалга оширадилар. Шахслараро ижтимоий ҳамкорлик учун субъективлик асосий кўрсаткич хисобланади. Ташаббускорлик нуқтаи назардан фаоллик қайта шакллантирувчи, мустаҳкамловчи характерга эга. Фаоллик - яратувчилик, ривожлантирувчилик ва вайрон қилувчилик хусусиятига хам эгадир. Ташки госирларга жавоб бериш нуқтаи назаридан эса кимгadir таъсир кўрсатилади, уни қабул қилиш ва қимаслик соҳасида фаоллик кўрсатилади. Жавоб таъсирларини ташкил қилиш исталмаган таъсир ёки ҳамкорликдаги ҳаракатга қаршилик кўрсатишни англашади. Бу ўринда таъсир кўрсатиш соҳасининг йуналганлигини аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Таъсирчанлик жавоб қайтариш,

фаолликка ундашни ифодалайди. Чунки таъсир кўрсатувчи субъект ҳар доим фаол бўлади. Шу билан бир қаторда ҳамкорлик ташаббускорларидан бири ташаббус кўрсатади, иккинчи томон эса унга ўз ҳаракатлари билан жавоб кайтаради. Бундай вазият тенгликнинг асосини ташкил килади. Уларнинг ҳар иккаласи муайян ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида фаоллик кўрсатади. Чунки улар мазкур фаолиятни ҳамкорлик субъектлари сифатида амалга оширадилар.

Ҳамкорлик ўзига хос тавсифга эга. Ҳар қандай ҳамкорлик жараёнида томонларнинг ўзаро фаоллиги асосий ўрин эгаллади. Ҳамкорликни ташкил этиш қанчалик мураккаб бўлса, бу жараёнидаги фаоллик ҳам шунчалик ранг-барангдир.

Юкори даражада фаолликка эга бўлган шахсларда улар фаолиятининг барча турларида мазкур фаоллик намоён бўлади. Масалан:

1. Интеллектуал фаоллик. Бундай фаолликка эга бўлган шахслар фаразларни илгари сурадилар, стратегиялар, усуллар, ахборотларни қайта ишлай оладилар. Бу улар билан амалга ошириладиган мулокот жараёнида яққол намоён бўлади.

2. Инсоннинг руҳий-физиологик фаоллиги махсусидир. Бундай фаоллик воқеликни идрок этиш, уни моделлаштириш жараёнида намоён бўлади. Фаоллик натижасида ҳамкорлик жараёнининг субъектлари бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатадилар.

3. Шахснинг хулқ-авторига хос бўлган умумий фаоллик бўлиб, у инсон фаолияти ва хатти-ҳаракатининг турли кўринишларида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда фаоллик ҳамкорлик жараёни субъектларига хос бўлиб, айни пайтда субъектив характерга хам эга.

Ҳамкорлик жараёнида турли обьектлар орасида турли-туман алоқалар ўрнатиш учун етарлича асос мавжуд. Бу сабаб-оқибат boglaniшлari орқали намоён бўлади. Мазкур боғланишлар ҳар қандай тизим элементлари орасидаги алоқадорликнинг асосини ташкил этади. Тизимлилик барча алоқалар, муносабатларнинг асосидир.

Шахслараро ҳамкорлик жараёнида унга хос бўлган онглилик ва мақсад қўя олиш хусусияти намоён бўлади. Айни вактда улар ўзаро таъсир шаклларини хам ойдинлаштириш имконини беради. Масалан, ўқиш фаолияти ва мулокотнинг юкори даражалари сифатида ўйинлар, биргаликда билим олиш, ўкув меҳнатини амалга ошириш

ва ўзаро мулокот жараёнидаги ҳамкорлик шакли сифатида на» бўлади. Ҳамкорликнинг мазкур шакллари таълим жараённида у алоқадорликда намоён бўлади. Ҳамкорлик шаклидаги ўзаро муносабатларда ўзаро қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, карши курашишлар ҳам вужудга келади.

Уқувчиларни ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ўргатиш ўта долзарб масалалардан бири хисобланади. Ўзаро мулокотга киришувчи ўқувчилар ҳамкорликнинг мураккаб шаклларини амалга оширадилар. Бу таълим жараённида амалга оширилади. Мазкур тизим ўзаро мустаҳкам кисмларга эга бўлган алоқадорликдан иборат. Жумладан, бошқариш - масалан, таълим вазирлиги, маҳаллий таълим бошкармалари, шаҳар, туман халқ таълими бошкармалари, таълим муассасаларини бошқариш кабилар бунга мисол бўла олади. Таълим муассасалари маъмурияти - директор, директор ўринбосарлари; педагогик кенгашлар, педагогик жамоа, синф ўқувчилари, синф ичидаги турухларнинг аъзолари кабилар. Ҳамкорлик жараённида уларнинг ҳар бири ўзаро муносабатларнинг услуги, йўналиши, таркибини аниқлашга хизмат қилади. Ўқув муносабатлари ҳамкорликда ўқув натижалари ва мулокотга эришиш шакли сифатида намоён бўлади.

Таълим жараёни кўп ҳадли, кўптармоқли ҳамкорлик жараёнидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги шахсий ҳамда аник ўқув ҳамкорлиги, ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, шахслараро ҳамкорликдан иборат бўлиб, ўқув-билив жараёнига турлича таъсири кўрсатади.

Биз дастлаб ҳамкорликнинг мухим шакли бўлган "ўқитувчи-ўқувчи" муносабатларини педагогик жихатдан тавсифлашга ҳаракат қиласиз. Бу ҳамкорлик ўқув жараённида гурли шаклларда амалга ошади. Жумладан, ўқитувчи билан индивидуал ишлаш, синф-дарс тизимида амалга ошириладиган ишлар, индивидуал ишлар жараённида ўқитувчилардан маслаҳатлар олиш, ўқув жараёнини лаборатория машгулотлари тарзида ташкил этиш каби шаклларга эга. Бу жараёнда томонларнинг ҳар бири ўз фаоллигини **КЕГЛОЁН** қилади. Бу фаоллик, айниса, сукротона савол-жавоб, суббатлар, индивидуал ишлар, маслаҳатлар жараённида яққол кўзга! ташланади.

Ишchan, ролли ўйинлар, ҳамкорлиқда бажариладиган тақсим-1 ланган фаолият, учликда, турухдарда ишлаш, тренинглар ҳам! педагогик ҳамкорликнинг мухим шакли сифатида намоён!

бўлмокда. Бундай ҳамкорлик, биринчи навбатда, ўкувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларини тақозо қилади. Уқув жараённида кўптармоқли ҳамкорлик шакллари намоён бўлиб, унинг умумий кўринишини мураккаблаштиради.

Педагогик ҳамкорлик жараённида руҳий алоқалар мухим ўрин эгаллайди. Бундай алоқа ўкувчилар орасидаги умумийлик натижасида вужудга келиб, улар орасида ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш мухитини яратади. Ўзаро алоқалар ўкувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни ижобий мустаҳкамловчи омил сифатида намоён бўлади. Алоқалар жараённида ўкувчиларнинг барча ўзига хос жихатлари ўз ифодасини топади. Бунинг натижасида ўкувчилар интеллектуал ҳамда хиссий кониқиши хосил қиладилар. Бундай алоқанинг ички механизми хиссий, интеллектуал жихатдан ўзаро қайғудошлиқ, ҳамфикрилиқ, биргаликда ҳаракатланишдан иборат.

Ҳамкорликка киришувчи томонлар орасида алоқани вужудга келтиришнинг ички шароитлари бир-бирига нисбатан самимий, кўтаринки муносабат ва хурмат, ижобий муносабат ва бағрикенгликнинг хосил бўлишидир. Унинг ташки ифодаси ҳамкорлик субъектларининг хулқ-атвори хисобланади. Синфдаги ўкувчилар орасидаги алоқалар ва ижобий муносабатлар уларнинг кўз карашлари, юз ифодаси, хатти-харакатлари, бир-бирларини қўллаб-куватлашлари, ўқитувчи томонидан ишchan мухит ва бошқарувнинг таъминланишида акс этади.

Алоқа натижасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари маҳсулдор, самарали ҳамкорликка киришадилар. Бундай алоқа ҳамкорлик жараёнининг самарадорлигини таъминлаб, унинг<sup>^</sup> ижобий натижада бериши учун қулай вазиятни вужудга келтиради. Ўқув ҳамкорлиги жараённида руҳий алоқалар табиий, мураккаб бўлмаган мулокот учун қулай шароит яратади.

Ўқув ҳамкорлиги ўқитувчи ҳамда ўкувчиларнинг фаол, онгли, мақсаддага йўналтирилган биргаликдаги ҳаракатланишга асосланган фаолиятлари билан тавсифланади.

Ҳамкорлик замонавий таълим жараёнининг асосини ташкил этиши лозим. Ҳамкорлик - ўқитувчи ҳамда ўкувчиларнинг ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирининг ички оламига кириш, фаолият натижалари ва унинг боришини жамоавий тахлил қилишга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятининг ривожланишини ифодаловчи инсоний карашдир. Ҳамкорлик стратегияси асосини ўқитувчилар-

нинг ўқувчилар билиш фаолиятини йўналтиришга асослангаш педагогик харакатлари ташкил қиласди.

Ўқув жараёнини ҳамкорлик асосида ташкил этишнинг моҳиятни нюхоятда катта бўлиб, бутун педагогик жараённи ҳамкорлю жараёни сифатида ташкил этиш имконини беради.

Ўқув ҳамкорлигини таъминлаш муаммоси сўнгги йиллардг мутахассисларнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Улар ўқув ҳамкорлигининг асосий шакллари сифатида жамоавий, гурухли иш турларини эътироф этадилар. Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ривожланган мамлакатларнинг педагоглари хар томонлама чукур таҳлил қилмоқдалар. Улар педагогик ҳамкорлик ходисасини фаол ва хар томонлама тадқиқ этишга интилмоқдалар.

Ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган ўқув ишини ифодалаш учун қуйидаги атамалардан фойдаланилмоқда: гурухли ишлар, биргаликдаги ўқув фаолияти, биргаликда бажариладиган тақсимланган ўқув фаолияти, жамоа аъзолари орасида тақсимланган ўқув фаолияти, ўқув ҳамкорлиги кабилар.

Сўнгги йилларда узбек педагоглари томонидан хам "ўқув ҳамкорлиги" атамаси тез-тез кўлланилмоқда. (Ж.Ф.Йўлдошев, Р.Г.Сафарова, Н.Дилова). Ўқув ҳамкорлиги биринчи навбатда, педагогик жараён субъектларининг биргаликда бажарадиган фаолиятларига йўналтирилганлиги билан характерланади. Бу тушунча айни пайтда ўқув гурухи орасидаги кўп томонлама биргаликдаги фаолият хамда ўқитувчининг гурух аъзолари билан ҳамкорлиги сифатида тушунилади.

Ҳамкорлик - биргаликдаги фаолият, ўзаро муносабатга киришувчи субъектларнинг фаоллигини намоён килувчи педагогик жараён сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан:

1. Замон ва маконнинг уйғунлигидаги иштироки.
2. Кувватларнинг бирлиги.
3. Фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш.
4. Вазифалар, харакатлар ва усуулларнинг тақсимланганлиги.
5. Шахсларо ижобий муносабатнинг мавжудлиги кабилар.

Ўқув ҳамкорлигини яхлит тарзда таҳлил килар эканмиз, ўқув жараёнининг турли субъектлари орасида амалга ошишини хам таъкидлаб ўтиш лозим.

**5-9-синф** ўқувчилари орасида ўқув ҳамкорлигини ташкил этиш натижасида репродуктив иш услубидан воз кечиб, мунтазам изланиш, харакатнинг янги усуулларини қўллаш амалга оширилади.

Тенгдошлар орасида ўқув ҳамкорлигини ташкил этиш жараённида уларнинг биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш талаб этилади. Ўқув ҳамкорлиги вужудга келиши учун ўқувчиларнинг шахсий нұктай назарларини ўзгартиришларини таъминлаш керак.

Ўқувчилар орасидаги ҳамкорлик ўзининг таркиби, мазмуни билан фарқланади. Бу холатни ҳамкорликдаги педагогик жараённи ташкил этишда аниқ хисобга олиш лозим. Ҳамкорлик биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларига таъсир кўрсатади. Ўқув жараёнининг турли шаклларини қиёслашга багишланган кўплаб тадқиқотларда ҳамкорликдаги ўқув жараёни ўқувчилар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишини асослаш имконини беради. Чунки ҳамкорлик жараённида мураккаб характердаги мантикий топширикларни ечиш осонлашади. Янги ўқув материалларини самарали ўзлаштириш имконияти вужудга келади.

Ўқувчиларнинг мулокот кўнималарини ривожлантиришга гурухли иш турлари ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур жараёнда ўқувчилар алоҳида фаоллик кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Индивидуал ишларга нисбатан гурухли ҳамкорлик жараённида ўқув топширикларини ечиш самарадорлиги ортади. Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш, учликда ишлаш ёки гурухли ҳамкорлик жараённида ўқувчиларнинг биргаликда фаоллик кўрсатиш даражалари турлича бўлишини кузатишлар яққол кўрсатмоқда. Шу нарса аёнки, ҳамкорликнинг хар қандай шакли индивидуал иш шаклига нисбатан самаралироқдир.

Гурухди иш жараённида ўқувчилар орасида кенг кўламли алоқалар, ўзгарувчан фаоллик намоён бўлади. Чунки мулокот жараённига учинчи шахснинг қўшилиши унда янги сифат ўзгаришини вужудга келтиради ва таҳлил қилиш имкониятини таъминлайди.

Бугунги кунда ўқувчиларни учликда ишлашга тайёрлаш етарлича оммалашмаган. Ҳамкорликнинг асосий шакли фронтал иш усули сифатида намоён бўлмоқда. Индивидуал ишлашга нисбатан жуфтликда ишлашнинг педагогик афзалликлари хам Дидактик жихатдан етарлича асосланмаган.

Гурухли ҳамкорликни ташкил этиш бир кадар мураккаб жараёндир. Бирор айнан гурухди иш усули жамоавий ўқитиш шаклини ташкил этиш имконини беради. Бу жараёнда ўқувчилар узаро ҳамда ўқитувчи билан тенг шерилик асосида ҳамкорликка киришадилар. Худди мана шу тарзда жамоавий фаолият тарзи

вужудга келади. Бу жараёнда жамоавий ҳамкорлик принципи ик йуналишда амалиётта татбиқ этил ад и:

1. Ўқувчиларни жамоавий ижод килишга ундаш.
2. Ҳар бир ўқувчининг қўйилган вазифани ечишда фаол иптирок этишини таъминлаш каби.

Ўқувчилар ҳамкорликдаги ўқув фаолияти жараёнда бир катр имкониятлар ва устунликларга эга бўладилар. Жумладан:

- ўқув материалини ўзлаштириш кўлами ва чукурлиги ортади;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари ва ижодий мустақилликлари ривожланади;

-билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга нисбатан кам **вщ** сарфланади;

-ўқув жараёнда ўқувчилар дуч келадиган кийинчиликла; камайиб, ўқув майллари ривожланади;

-ўқувчилар машғулотлардан қоникиш ҳосил килиб, ўқув жараёнида ўзларини қулай ва эркин хис эта бошлайдилар;

-ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларнинг характеристи ўзга ради;

-ўқувчилар орасида ўзаро хурмат, ўзи ва шерикларининг имкониятини тўғри баҳолаш, танқидий фикрлаш, жипслик ортади;

-ўқувчилар мухим ижтимоий кўникмаларни эгаллайдилар назокат, масъулиятлилик, ўз хулк-авторини бошқалар нуктаи назаридан ёндашган ҳолда қайта қуриш, мулоқотнинг инсоний услугаларини эгаллаш кабилар;

-ўқитувчи ўқувчиларнинг мойиллеклари, иш маромлари, тайёргарлик даражаларини хисобга олган ҳолда уларни кичик; турхуларга бирлаштириш имкониятига эга бўлади;

-ўқитувчининг тарбиявий иши гурухли ўқитишнинг мухим шарти хисобланади, чунки барча гурухлар ўзининг шаклланиш жараёнда зиддиятли муносабатларни бошидан кечиради.

Мазкур вазиятда ўқитувчи улар орасида дўстона муносабатларни таркиб топтиришга йўналтирилган кенг кўламли педагогик фаолиятни амалга оширади.

Ҳамкорликнинг бу каби афзалликларини таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, у билвосита ўқитувчи фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, ўқувчилар билан муносабатини мустахкамлайди.

Ўқув ҳамкорлиги икки ёклама характеристерга эга:

1. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг ўқувчи тараққиёти, унинг гурух ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга таъсири.

2. Ўқувчиларда ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши, янги фаолият турларининг вужудга келишига кўрсатадиган таъсирини ўрганиш кабилар.

Муаммонинг иккинчи томони педагогикада жуда кам ўрганилган. У ўзида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини мужассамлаштиради. Бунинг асосини гурухдаги ўқувчилар ҳаракатларининг ўзаро боғлиқлиги ташкил этади. Бу жараёнда ўқувчилар орасида иш усуллари ва фаолият турларини таъсимилаш алоҳида ахамият касб этади.

Бошка сўз билан айтганда, ўқувчилар орасидаги ҳамкорлик ҳаракатларини ўрганиш янги фаолиятнинг вужудга келиши жараёнида ўзларига эмас, балки ўқув фаолиятларини ўзига таъсир кўрсатишини англатади.

В.В.Рубцовнинг таъбирича, биргаликда бажариладиган фаолиятни таъсимилаш ўз усуллари ва механизмларига эга. Биргаликда бажариш учун таъсимиланган фаолият ҳақикатан эвристик, генетик характер касб этади.

Ҳамкорликдаги ўқитиши шакллари ўқув фаолияти учун зарур бўлган бир қатор кўникмаларни таркиб топтиришни талаб қиласи.

Улар:

-топширикларда қайта шакллантириш имкониятини кўра олиш;

-ўрганиладиган ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда қайта шакллантиришни амалга ошириш;

-ҳамкорликдаги фаолиятнинг умумлашган моделини куриш;

-ўрганилаётган ҳодисаларни шахсий ҳаракатлари билан уйғунлаштириш, унинг ёрдамида юқори даражадаги таҳдиий фаолиятнинг шаклланишига имконият яратиш кабилар.

Ҳамкорликдаги ўқув ҳаракатларини ўзига хос ўқув вазияти сифатида баҳолашда қуйидаги талабларга амал қилиш лозим:

- мақсадларнинг умумийлиги;

- ҳар бир ўқувчининг шахсий-индивидуал ҳаракатларни бажариши;

- барча ўқувчилар фаолиятлари ва барча ҳолатларнинг мувофиқлашганлиги;

- умумий натижага эришишнинг мухимлиги кабилар.

Биз ўкувчилар олдига жамоавий тарзда ечиладиган мантиқ<sup>1</sup> топшириклар кўйишга харакат қилдик. Гурухли фаолият жараёнк бажариладиган топшириклар умумий тарзда гурухли натижал олишга имконият яратади. Бунда гурух аъзоларнинг фикрлар уларнинг диалоглари ёки кўпмантикли фикрлар шулар жумл сидандир. Бунда ўкувчиларнинг индивидуал фикрлари барча гурс аъзолари учун фикрий асос хисобланади. Масалан, бошланғич син) ўкувчилари она тили дарсларида матнлар яратадилар. Бу матнларя қўлланиладиган сўзлар улар нуткининг асосини ташкил қилас! Биринчи ўкувчи муайян буюмнинг ҳажмини айтиб берс! Иккинчиси унинг ранги, шакли, оғирлигини баён қиласди. Бунда изчиллик ўкувчиларнинг фикрлаш тарзларини намоён этади. Барч жавоблар ўкувчиларнинг хотираларида сакланиб, янги жавоблг шаклида такрорланади ва тўлдирилади. Ўкувчиларнинг алохи; жавоблари умумлаштирилиб, гурух аъзоларининг жавоблар сифатида тўлиқ баён этилади.

Ўкувчилар шу тариқа мuloқot матнларини яратадилар ва ун; ўз фикрларини умумлаштирган холда баён қиласди. Бу жараёнд xар бир ўкувчининг жавобини ўқитувчи ижобий тарз; мустахкамлаб, унинг луқмаларини ижобий-йўналтирувчи фаолия га айлантиради. Ўқитувчи нарса-буюмни тасвиirlаш жараёнц ўкувчиларнинг жавоблари тўғрилигини таъкидлаб ўтад<sup>1</sup> Жамоавий ўкув фаолияти жараённида тил воситаларини самарал кўллаш ҳар бир ўкувчидаги ўз ишидан қоникиш хиссини пайд қиласди. Улар ўз шахсий фаолиятларининг фойдалилиги, зарурлип тўғрилигини англаб етадилар. Уларда ўз нутқларининг аниқлиги в равонлигига ишонч хосил бўлади. Бу ўкувчилар томонидан амал! оширилган нутқий харакатларнинг мустахкамланишига асс бўлади. Ўкувчиларнинг нутқий фаолияти таълим ва мuloқс у^раёнининг муваффакиятини таъминлайди. Бунинг натижасин ўкувчиларда ҳамкорликка интилиш майллари билан бир қаторя нутқий фаолиятнинг яхшиланиши, ўз-ўзини назорат қилиш в бошқариш кўнималари таркиб топади.

Кўплаб мутахассислар гурухди ҳамкорликнинг ўкув фаолият натижаларига ижобий таъсир кўрсатишни асослаб берганлар. Ш билан бир қаторда гурухли ҳамкорлик натижасида ўкувчила орасида қулай педагогик-психологик мухит вужудга кели\* шахслараро муносабатлар, таҳлилий фаолият, ўз харакатлариг

синчковлик ва уни қайта куриш, бунда ҳамкорликдаги фаолият мазмуни ва шаклларига эътибор қаратиш тажрибаси таркиб топади.

Таҳлилий фаолиятнинг ривожланишида ўкувчиларнинг таҳлилий тафаккури катта тарбиявий аҳамият касб этади. Ўкувчилар билан ўзаро амалга ошириладиган ҳамкорликдаги таҳлилий фаолият, унинг таҳлилий онлари, назорат қилиш ва баҳолаш харакатлари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳамкорликдаги ўкув фаолияти нафакат ўзаро уйғунлашган ўкув харакатларини таркиб топтиради, балки ўкувчиларнинг шахсиятини ҳам ривожлантиришга асос бўлади. Ҳамкорликнинг тарбиявий аҳамияти ўкувчиларнинг тенгдошлари билан амалга ошириладиган биргаликдаги фаолиятларида шартли-динамик нуқтаи назарнинг ривожланишини таъминлайди. У ўкувчининг ўзини бошқаларнинг нуқтаи назаридан туриб баҳолаш кўнимксидагина намоён бўлмайди, балки ҳамкорликдаги фаолият жараённида мазкур ўкувчининг тутган ўрнига қараб, турли нуқтаи назардан ёндашиш ва баҳолаш учун шароит яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўкувчиларнинг ўзлари ҳамкорликдаги фаолиятга турлича муносабатда бўлишлари кузатишларимиз жараённида яққол намоён бўлди. Мазкур муносабат қуидагича ифодаланишининг гувоҳи бўлдик: энг паст даражада ўкувчиларнинг ҳамкорликдаги ўкув фаолиятига салбий нуқтаи назарларининг мавжудлиги билан ифодаланади. Бундай ўкувчилар ҳамкорликдаги фаолиятнинг афзал жихатларини кўра олмайдилар ва тушунмайдилар. Улар ҳамкорликдаги ўкув фаолияти ўз олдиларига қўйган вазифаларни мураккаблаштиради, деган фикрдалар. Уларнинг фикрича ҳамкорлик қўйилган вазифаларни муваффакиятли ечишга тўсқинлик қиласди.

Фақаттана айрим ўкувчилар ҳамкорликнинг афзал жихатларини тушуниб етишлари кузатишларимиз давомида аниқланди. Уларнинг ҳамкорликдаги ўкув жараённига бўлган муносабатлари аста-секин шаклланди ва улар жамоавий фаолият жараённида фаоллик кўрсата бошладилар.

Индивидуал-рухий омиллар ўкув вазифаларини ҳамкорликда ечиш жараённига турлича таъсир кўрсатади. Ўкувчиларнинг индивидуал рухиятлари хамда хатти-харакатларидаги ўзига хослик нарсалар хакида хукм чиқариш ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ижобий таъсир кўрсатиш имкониятига эга эмас. Топширикларни ҳамкорликда муваффакиятли ечишни таъминловчи омиллар мавжуд. Улар ўз фаолиятини мустақил ташкил этиш

кўникмалари сифатида намоён бўлади. Ўқувчиларнинг ишча мулоқотга киришишлари ва ўқув фаолиятига тайёрликлари шула жумласидандир.

Ўқув ҳамкорлиги ўзига хос усуллар ёрдамида амалга оширилади. У турли йўллар, усуллар ёрдамида ташкил этилади. Мазкур усуллар ^ ўқувчиларнинг ҳамкорликцаги фаолиятини тартибг солади. Уқув ҳамкорлигини ташкил этиш ва амалга оширишда кен тарқалган усуллар сирасига мунозара, мухокама, ўқувчилар олдинг муаммоли саволлар кўйиш кабиларни киритиш мумкин. Усулла, ҳамкорлик шакллари билан бевосита боғлиқ бўлади. Улар якун ловчи ва оралиқ каби иккига бўлинади. Ҳамкорликдаги фаолиятн мўлжалланган якуний топширикларни ечиш жараёни индивиду^ характерга эга бўлиши мумкин. Уни назорат қилиш ва баҳолаи ҳамкорликда амалга оширилади. Якуний натижаларни мухокамаг қилиш ҳам ҳамкорликда ташкил этилади. Оралиқ ҳамкорликд топширикларни ечиш барча босқичларда синфдаги ҳамма ўқув чилар билан биргалиқда амалга оширилади.

Ҳамкорликда вазифаларни ечиш муаммосининг назарий асослари шуни кўрсатадики, барча топшириклар бир хилда ҳамкорлш қилишни тақозо этмайди. Фаол диалогга киришиш ҳамда қарорла; қабул қилиш мантикий фикрлаш талаб килинганда амалга ошади Бунда ўқувчилар тури нуктаи назарларни биргалиқда таҳлил қиласидилар ва баҳолайдилар. Ўқув ҳамкорлигига мое келадигав топшириклар унинг мазмуни ва ечими бир нечта нуктаи назарни талаб қилгандагина ўқувчиларга такдим этилади. Муаммоли ўқув топшириклар ҳамкорликда ечиш учун кўпроқ мое келади. Бундай топшириклар билиш фаолиятида етакчи ўрин эгаллаб, уларнинг ечими фикрий операцияларни амалга оширишни тақозо қиласи. Улар муайян даражадаги билим, кўникма ва малакаларни талаб -илиб, уларни муайян вазиятларда қўллаш имконини беради.

Ўқув ҳамкорлиги жараёнида топширикларни биргалиқда ечиш ўқувчиларга муаммоларни асосли билиш, асосли мулоқотга киришиш ва асосли таҳлил қилиш нуктаи назаридан ёндашишни тақозо этади. Биринчи вазифа бевосита такдим этилган топширикларнинг ечимини излаш билан изохланади. Иккинчиси эса мулоқотни ташкил этиш ва ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширишдан иборат. Учинчиси ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ҳар бир ўқувчи онгига унинг шериклари топширикларнинг шарти ва асосини қандай тушунишини етказишдан иборат. Топширик

ларни ечиш ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган уч босқичда амалга оширилади:

- а) топширикларнинг шартлари билан танишиш;
- б) топширикларни ечиш;
- в) топширикларнинг ечимларини назорат қилиш кабилар.

Ўқув ҳамкорлиги жараёнида масалаларни биргалиқда ечишда ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда ўқувчилар топширикларни мустакил ечиш усулларини эгаллайдилар. Ўқувчиларнинг индивидуал фаолиятларини назорат қилиш ҳам мухим аҳамият касб этмоқда.

Самарадорликнинг кўринмаслиги ёки пастлиги гурух ишига салбий таъсир кўрсатади. Самарали ўқув ҳамкорлигини ташкил этишда уни ташкил этиш, ўқувчилар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг бажарадиган роллари ва ўқув топширикларини тақсимлаш мухим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам гурухлардаги ўқув ҳаракатларининг амалга ошишини мухокама қилиш ўз навбатида ҳамкорлик жараёнида ўқувчилар ўзларининг муста-кил фаолиятларини самарали бошқариш омилига айланиши мумкин. Ҳамкорлик усуллари ҳакида фикр юритганда нафақат унинг шакли алоҳида аҳамиятга эгалигини, балки топширикларни биргалиқда ечишни ташкил этиш усуллари ҳам мухим ўрин эгаллашини таъкидлаш лозим. Ўқувчиларнинг гурухди тарзда топширикларни ечиш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадиКи, ҳамкорликда фаолият кўрсатишнинг олдиндан тузилган дастури вербал топшириклар ўқув топширикларини ҳамкорликда ечиш усули сифатида таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Бундай дастурларда ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ўқув предметлари кесимида ташкил этиш усули ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг гурух ичидаги ўқув ҳамкорликлари ўқитувчи ва ўқувчилар гурухининг ҳамкорлиги сифатида катта педагогик имкониятларга эга. Бу ҳамкорлик умумлашган жамоавий субъект сифатида намоён бўлади.

Педагогик ҳамкорлик кўптармоқли ходисадир. Ўқитувчи ҳамда Ўқувчи ҳамкорлиги дидактикада маҳсулдор вазият сифатида баҳоланади. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг биргалиқдаги фаолияти Динамик характерга эга. Мазкур жараённинг икки йўналиши ўзида У\*Ув ҳамкорлигининг бир қатор шаклларинии мужассамлаштиради.

Бу хамкорлик ўқувчиларда янги харакатларнинг шаклланиши хосил килишдан иборатдир... Демократик жамиятда болалар, жараённида мунтазам ўзгариб боради. Биринчи йўналишдаги фао| умуман, хар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. лиятда ўқувчиларнинг биргаликда иштирок этишлари таъминланади. Бу жараён қуидаги шаклларга эга бўлиши мумкин:

1. Ўқитувчи билан ўқувчилар орасида харакатларнинг бўлиниши.

2. Уқувчилар харакатларининг ўхшатилиши.

3. Ўқувчиларнинг тақлидий харакатлари кабилар.

Ҳамкорликдаги фаолият тараққиётининг иккинчи йўналиши ўқитувчи-ўқувчи фаолиятларининг ўзаро мое келишидадир. Мазкуш йўналиш қуидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Ўқувчиларнинг ўзларини мустакил бошқариш харакатлари

2. Ўқувчиларнинг мустакил ташкил этилган харакатлари.

3. Ўқувчиларнинг мустакил кўзғалган харакатлари кабилар.

Сўнгги йилларда педагоглар томонидан учинчи йўналиш ҳа] асосланмокда. Бу ўзлаштирилган фаолиятни такомиллаштиришд ўзаро шерикчиликдир. Тенгшерикчилик ўқитувчи ҳамд\* ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари жараённида хамкорликн шакллантириш ва ривожлантириш натижаси сифатида намоё бўлади. Ўқувчиларнинг ёши улгайтан сари кўтаринки даражадаг^ хамкорликнинг шаклланиши жадаллашади. Бунинг натижасид ўкув жараённида тенгшерикчиликка асосланган субъект-субъек^ муносабатлари доирасидаги хамкорлик вужудга келади.

сифатида намоён бўлади, иккинчисида эса унинг мазмуни сифатида жараён самарадорлигини таъминлайди.

Ўз фаолиятини мустакил ташкил этиш ҳамкорликнинг асосий тушунчаларидан бири хисобланади. Таълим тизимида эса, бу мустакил билим олиши ифодалайди. Энг яхши бошқарув бу шахснинг ўз-ўзини бошқаришидир. Мухими билимларни узатиш эмас, балки билимларни тўлдириш усулларини ўзлаштиришдир. Бошқача айтганда, мустакил билим олиш йўлларини ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса, номунтазам диалог сифатида эътироф этилади. Ўз фаолиятини мустакил ташкил этиш ёки ҳамкорлик парадигмаси инсонни табиат билан янгича мазмун моҳиятга эга бўлган мuloқотга жалб этади. Бу ўз навбатида, ўқувчиларни ўз-ўзи ва атрофдагилари билан ишchan ва маданий мулокотга чорлайди. Ҳамкорликнинг истиқболдаги йўлини вужудга келтириш учун ўқувчилар муайян бир холатнинг тадрижий тараққиётiga таянадилар. Бу ҳолат билан у мунтазам bogланган бўлиб, кадрият даражасида талқин этилади. Ўқувчилар ривожланишнинг ўзлари учун кўпроқ мақбул бўлган йўлини танлайдилар. Бу ўз навбатида, мазкур холатнинг ички тараққиёт йўлини белгилайди. Шунинг учун ҳам, у номунтазам вазиятларни ўзлаштиришнинг самарали усули хисобланади.

Ҳамкорлик нуктаи назаридан ўқув жараёни ўқувчилар билан ўқитувчини бир-бирига bogлаш усули бўлиб, у қўйидагича намоён бўлади. Бунда билимлар бир шахсдан иккинчи шахсга шунчаки узатилмайди. Бу тайёр ҳолдаги табиий холатларни ўзаро бир-бирига такдим этиш ҳам эмас. Мазкур жараён ўзаро очиқ мулокотга асосланган номунтазам вазият бўлиб, тўғридан-тўғри ва тескари алоқа асосида амалга ошиб, бирдамликка асосланган таълимий уйгунлашишдир. Бу муаммоли вазиятларни ўзига хос тарзда муайян маромда ечиш йўли ҳамдир. Биргаликдаги фаоллик натижасида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи бир хил маромда харакат киладилар ва фаолият кўрсатадилар. Бу эса, қўзғатувчи таълим жараёни хисобланади.

Асосий муаммо шундан иборатки, ўқув жараёнини қандай бошқариш, бу жараённи ўқувчиларнинг ривожланишларига йўналтириш мухим аҳамиятга эга. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ўз-ўзларини бошқариш ва уни қўллаб-куватлашга асосланган ўқув вазиятини ташкил этиш мухимдир. Ҳамкорликдаги жараённи ташкил этишда бўшлиқка қандай барҳам бериш, унинг ўрнида ижодий

>хитни вужудга келтириш, уни табиий инновациялар тугиладиган араёнга айлантириш мухим вазифалардан биридир. Таълим араёнига ҳамкорлик назариясига асосланган ҳолда ёндашиш /налтирувчи ва қўзғатувчи таълим жараёнини вужудга келтириш, ш ўз-ўзи ва бошқалар билан ҳамкорлик асосида ташкил этишдан юрат.

Кўриб ўтилганлардан шу нарса аёнки, билишнинг муайян акли мавжуд бўлиб, бу таълим-тарбия жараёни ва ўкувчиларнинг **1ётий** фаолиятлариидир. Муайян даражада самарали харакат қилиш тун зарур вақт ва зарур пайтда харакат қилиш лозим. Бу ўринда (сувчиларга тўғри таъсир кўрсатиш ҳақида фикр юритиш керак. ундай таъсирнинг натижаси одатда кутилмаган ва турли-туман ўлади.

Таълим мослаштирувчи харакат касб этади. Номунтазамликка ;осланган билиш жараёнини тушуниш учун ҳамкорлик назария-вдан фойдаланиш лозим. Бу эса, таълим жараёнида янги билимларни ўзлаштиришни англатади. Бундай вазиятда ўкув жараёни ослаштирувчи кўринишга эга бўлиб, генетик жихатдан мавжуд ўлган хулк-атвор кўринишларини намоён қиласди. Таълимнинг ўзи қувчи табиатига хос бўлган ҳаётин ўзгаришларни билишга нтилишни шакллантиради.

Маданий тараккиёт тарихий ривожланишнинг биологик кўришларига зид тарзда инсоннинг ўз ҳаётин фаолияти давомида ужудга келган ўзгаришларни ўзлаштириши натижасида ҳосил ўлади. Ўкувчининг ўзлаштирган билимлари ва тўплаган тажрибари мерос сифатида кейинги авлодларга етказилади.

Таълим ривожлантирувчи характерга эга. Бу жараёнда жадал арзда янги ҳолатга ўтиш имконияти вужудга келади. Ўкувчиларнинг билимлари ва хулк-атворлари янгича кўринишга эга бўлади. >ир сўз билан айтганда, ўкувчилар ўзлаштирган билимларнинг аркиби янгиланади. Таълим ўкувчилар учун янгича кувват касб эта юшлади. Натижада таълим жараёнида ўкувчилар шахсиятида сайта куриш имконияти вужудга келади.

Ҳамкорлик назариясига таянган ҳолда таълим жараёнида ?изга хос ўзаро алоқадорликдаги ўзгариш вужудга келадики, зунинг натижасида таркиб топган хулк-атвор ёрдамида ўкувчилар элдига қўйилган вазифаларни ечиш имконияти кенгаяди. Гарчанд, **5из** инсон миясида нима кечишини аник билсакда, шуни тахмив килиш мумкинки, таълим нафақат хотирани кучайтиради, балкК

умумлашган билимлар аллақачон мавжуд бўлади. Ўзлаштирилган билимлар ўқувчи ички тараккиётини янгича шаклга киришини таъминлайди. Бу ўринда таълим хотирани жадаллаштирувчи жараён хисобланади. Бу жараёnda ўқувчилар ўзлаштирган билимлар уларнинг хулк-атворларини ривожлантиришга йуналтирилади. Ўкув жараёни якунланганда ўқувчилар хотирасида ўзлаштирилган билимлар тўпланади ва уларнинг ижтимоий тажрибаларига айланади.

Узок муддатли таълим ёки мустакил билим олиш жараёни, ўкувчиларнинг ижодий ишлари, умумий тарзда ривожланиш жараёнининг қайта курилиши, ижтимоий тажрибанинг кенгайиши ва сифат жихатдан такомиллашишини таъминлайди. Бунинг натижасида ўкувчилар тараккӣ этадилар ва улар фаолияти янгича моҳият касб эта бошлади. Уларда диалогик тафаккур ва ҳаёт тарзининг ривожланиши таъминланади. Ҳар кандай боғланиш алоқадорлик хисобланади. Таълим жараёнида ўкувчилар ва ўқитувчи шахсияти бир-бирига таъсир кўрсатади. Оддийдан мураккабга бориш тамоили асосида ҳамкорлик назарияси янгича бир бутунликни вужудга келтиради. Ўкувчиларга ҳамкорлик субъектлари сифатида ёндашиш натижасида уларни бир бутун яхлит жамоа сифатида идрок этиш тоғаси вужудга келади. Таълим жараёнига шундай нуктаи назар асосида ёндашиш уни ўкувчилар ва ўқитувчи шахсига ўйналтириш имконини беради. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўкувчилар орасидаги алоқа уларнинг ҳамкорлик асосида бирлашишлари натижасида вужудга келади. Бунинг натижасида ўкувчиларнинг яширин имкониятлари ва кувватлари очилади. Улар ўзларининг шахсий ривожланишларини таъминловчи қонуниятларни билишга интиладилар.

Психологларнинг таъбирича, ўкувчиларнинг тимсолларни идрок этишлари мазкур тимсолнинг муайян қисмини оддийгина **Хис** этиш ёрдамида ривожланмайди. Тимсолларни идрок этиш яхлит тарзда вужудга келади. Бу ҳолат бўлинмасдир. Шунинг учун **Ҳам**, тафаккурнинг сифат жихатдан ўзгариши ёрдамида ўкувчиларга ахборотлар яхлит блоклар ва концентрлар тарзида такдим этилади. Бу жараёнда ўкув вазияти ҳам шаклан қайта курилади.

Ҳамкорлик асосида фикрлашга ўрганиш номунтазам, муқобил фикрлаш тарзи бўлиб, бу жараёнда ходисаларнинг ўзгариш **Маромини** идрок этиш имконияти кенгаяди.

Ўкувчилар учун визуал тафаккур айниқса мухимдир. Таълим янгича ёндашув ва янгича ҳамкорлик назарияси билимларни гунги кун талаблари асосида тақдим этиш ва оммалаштириш улларини татбик килишни такозо килади.

Таълим жараёнига ахборотли ёндашувнинг муҳим жихатларини бири шундаки, у педагогик ҳамкорликнинг таркибий қисми фатида намоён бўлади. Чунки,<sup>^</sup> ахборот таълим жараёнининг ркибий қисми хисобланади. Ўқувчилар таълим жараёнида боротларни қабул қиласидар ва ўз онгларида қайта ишлайдилар. Ни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар муайян ўқув ҳамда ктимоий характеристларни амалга оширадилар.

Мустакил билим олиш ва ўз фаолиятини ташкил этиш назар<sup>\*</sup>яси доирасида очик характеристдаги номунтазам воситалар ёрда-ида ахборотларни ўзлаштириш ва улардан амалий фаолиятда ойдаланиш механизмлари яратилган. Улардан таълим жараёнида шарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини моделлаштириш ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга асосланган педагогика жараёни вужудга келтиришни назарда тутади. Мазкур жараёни бошқариш вазифасининг тўғри ёчилиши уни самарали ашкил этиш билан боғлиқ. Тўғри ташкил этилган ҳамкорликка асосланган педагогик жараён нафакат оддий, балки мураккаб идактик вазиятлар самарадорлигини таъминлашга хизмат килади.

"...инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишидан мавжуд, екин ақлий билими, маънавийлиги, руҳий ва ахлоқий хислатари... бошқа инсонлар билан мулокотда вужудга келади. Инсон ўз заолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади...", деб аъкидлаган эди Абу Наср Форобий.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология ўқув жараёнининг шги лойиҳасини ифодаловчи таълим тамойилларига асосланган 5 ўлиб, у ўқувчи шахсига йуналтирилиши лозим. Шундай экан, <sup>^</sup>китувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулокоти, уларнинг 5ир-бирига кўрсатадиган таъсири, ўқувчиларда инсонийлик хислатарини шакллантиришга хизмат килиши керак. Бундай дўстона муносабат жараёнида ўқувчиларда ҳамкорликда ишлаш кўниммани шаклланади.

Ҳамкорликка асосланган таълим жараёнида ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш маданиятини эгаллайдилар, ҳар бир ўқувчи ўзи, гурухдоши, синфдошининг муваффақияти учуй

ҳаракат қиласиди. Натижада уларда ўзаро ишонч ва самимий дўстона муносабат таркиб топади. Бирдамлилик, ҳамжиҳатлилик кучи ва синфдошларининг ютуклари учун масъулиятни ҳис кила бошлайдилар. Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи бошқарувчилик кўниммаларини эгаллаш имкониятига эга бўлади. Бу тарздаги ўқув-билув муҳитида хеч қайси ўқувчи камситилмайди, заиф томонлари намоён бўлмайди, балки уларнинг ҳар бирига қобилияти, эҳтиёжи, кучи ва хоҳиши доирасида билим олиш имконияти яратилади. Синфда паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга қуайлик яратилиши, билим олиш билан бирга, ҳамкорликда ишлаш кўниммаларининг шакллантирилиши, фуқаролик ва муайян жамият аъзоси эканликларини англаш имкониятининг берилиши таъминланади.

Дўстона муносабатлар асосида таълим жараёнини ташкил этадиган ўқитувчиларнинг қиёфаси ва иш услубида муайян ижобий ўзгаришлар кузатилади. Даре жараёнининг таркибий тузилишидан тортиб, ўқувчиларнинг билимини баҳолашгача, некбинликка асосланган ижобий муносабат, уларнинг имкониятларини хисобга олган ҳолда белгиланган талаблар намоён бўлади. Ҳамкорликка асосланган ўзаро дўстона муносабат замирида таълимнинг 5 та асосий элемента амал қиласиди. Жумладан:

1. Ўзаро ижобий алокадорлик. Синфда ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари натижасида бир-биридан ёрдам сўраш, кўмаклашиш, кўллаб қувватлаш, жуфт-жуфт ёки гурухларда ишлаш асосида ижобий томондан бир-бирига boglaniш вужудга келади. Синфдаги ўқувчилар бир-бирларининг камчиликларини эмас, балки ютукларини кўриш, тан олиш ва ҳар бир ўқувчи ўзига хос бўлишига қарамасдан, тенг эканлигига алоҳида аҳамият берилади. Бу эса, албатта ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, кўллаб-куватланиши зарур. Ўқувчиларга ўзларининг билдирган фикрлари, муносабатларига танқидий қараш, ўртоқларининг фикрларини тинглаб ўз фикрларини ўзгартиришлари учун имконият яратилади. Бунда ўқувчилар ўз билганларини бир-бирларидан яширмайдилар, Уртоқларига билганларини ўргатиб улар билимининг бойишига кўмаклашадилар.

Анъанавий " ... сен ўзинг билиб келишинг керак эди, энди Уртогингдан билиб жавоб берганинг хеч қандай аҳамиятга эга эмас • — каби ёндашувлардан чекиниб, ўқувчиларнинг бир-бирларидан Урганиб, янги ахборотлар ва билимларни ўзлаштиришлари учун Кулай педагогик имконият яратилади. Чунки ўқувчининг

гамларни қачон, қай тарзда, қандай одамлардан ўрганганлиги ас, балки ўзлаштирганлиги унинг тараққиёти учун мухим ахаят касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчи етказиши қийин пган баъзи ахборотларни ўқувчилар ўзаро хамкорлик асосида р-бирларига тез ва осонгина етказадилар. Бундай педагогик хитда таълим олаётган ўқувчилар одамшаванда, меҳрибон,рофдагиларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олиб тидиган бўладилар. Шундагина синфда, мактабда, уйда ва **1халлада** хам барча инсонлар орасида дўстона муносабат пайдо лади.

2. Масъулиятилик. Ўқитувчи томонидан берилган топширикни ўз вактида бажариш, ўзи, шериги, турухи, синфи учун жавоб !риш, вазифаларга масъулият билан ёндашиш, «Бир киши хамма гун, хамма бир киши учун» тарзидаги масъуллик хиссини ривожширади. Шу билан бир қаторда, синфдаги паст ўзлаштирадиган сувчиларга хам масъулият билан ёндашишга ўргатишни гурух-**1тилар** ўз зиммаларига оладилар. Биринчи синфга келган ўқувчи шфда кимни курса, ўрганиб, кўнишиб, мавжуд шароитга ослашади. Агар у ўқитувчининг кимларгadir бошқача муносабат йлдираётганини кўрса-ю, буни тушунса, ўзи хам мазкур ўқувчига исбатан шундай муносабатда бўлади. Демак, ўқувчилар орасида заро хамкорлик ва дўстона мухитни вужудга келтиришда бутун ғасъулият ўқитувчи зиммасига тушмокда. Бу жараёнда ўқитувидан катта педагогик маҳорат ва кучли билим эгаси бўлишни алаб қиласи. Шундагина синфдаги ўқувчиларнинг таълим жараё-**1идаги** барча эҳтиёжлари қондирилади, таълим олиш имкониятлари :енгаяди. Таълим жараёни жуда мураккаб, ундаги, биз учун рзимаган бўлиб туюлган нарса, вазият ёки вокелик хам бутун караёнга путур етказиши мумкин. Масалан, ўқувчилар жуда гаъсиран бўлиб, улар оддий бир ҳолатдан хурсанд бўлишлари ва сандайдир арзимаган деб ўйлаган сўздан ранжишлари мумкин. Шунинг учун, ўқитувчи ўқувчиларнинг кадр-кимматини англаши, >ар бир инсон алоҳида бир шахе эканлиги, у бошқалар билмайциган нарсаларни яхши билиши ва бошқалар учун оддий кўринадиган нарсаларни билмаслиги мумкинлигини англатиши мухимдир. Шунда уларда барчанинг билими, шахеига хурмат билай! қараш, билмаганларини тортинмасдан сўраб билиш, ўртокларв мурожаат килганда билганини иштиёқ билан ўргатиш каби ижобич

хислатлар шаклланади. Бунинг учун эса, даре замонавий технологиялар асосида, интерфаол усуулларда, ўқувчиларнинг ички имкониятларини очишга йўналтирадиган вазиятлар орқали ташкил қилиниши ва олиб борилиши талаб этилади.

3. « Юзма-юз» ўтириб мулокот қилиш имконияти. Жуфт бўлиб, гурух ёки умумий синфда ишлаганда ўқувчилар юзма-юз, яъни бир-бирларига қараб ўтиришлари керак. Шунда улар ўзаро фикрлашиб, баҳслшиб, қарорлар қабул қилишлари осонлашади, бир-бирини эшитиш, тинглаш кўнимкамлари шаклланади. «Мехр кўзда» мақолининг асл моҳиятини англаш, яъни бир-бирларига меҳр-окибатли бўлиш, айнан, ўзаро фикр алмашиб жараёнида бир-бирининг кўзига қараб ўтириши билан хам боғлиқ бўлади. Демак, битта парта атрофида турли жинс, турли характердаги ва жисмонан имкониятлари хар хил бўлган ўқувчилар бир-бирларига қараб ўтиришлари, уларнинг яқинлашишлари, дўстона муносабатга киришишларига имконият яратилади. Шунинг учун, турли ўкув фанларида гурухларни алмаштириб, барчанинг барча билан дўстлашишига шароит яратиш лозим.

Анъанавий шароитда баъзан ўқувчилар мактабни битириб кетгунга қадар хам бир-бирлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайдилар. Аълочи ўқувчилар факат ўзаро дўстлашадилар ёки ракобатлашадилар. Улар бир-бирлари тўғрисидаги барча нарсаларни билишга интиладилар. Бу жараёнда улар имконияти пастроқ бўлган ўқувчиларни четлаб ўтадилар, уларда хам инсоний фазилатлар, алоҳида иктидорлар борлиги, улар хам ҳавас қилса арзигулик инсон эканлигини кўпинча тан олмайдилар. Шахсга йуналтирилган ўкув жараёни ташкил этилганда ўқувчилар гурухларда ёки жуфт бўлиб ишлаганларида хамкорлик вазияти вужудга келади. Бу жараёнда ўқувчилар биргаликда ишлайдилар ва ишларининг натижасини хамкорликда такдим қиласидилар. Бундай шароитда ўқувчилар хар гал янги таркибдаги гурухдарга бўлинадилар, янги синфдошлари билан кўпроқ ишлайдилар. Шу тарика, уларда барча билан хамкорлик килиш, яқинлашиш имконияти пайдо бўлади.

4. Ижтимоий тажрибалар. Хамкорликдаги фаолият натижасида ўқувчилар бир-бирларининг қобилиятларини аниклай бошлайдилар, яъни ким раэм чиза олади, ким тез ёза олади, ким гоялар бера олади ва ҳ.к. Бундан ташқари ўқувчилар жуфтликда ёки гурухда ишлаганларида бемалол гаплашиш, ўзаро фикр юритиш имкониятига хам эга бўладилар. Гурух бажарган ишни хар бир ўқувчи

тун синф олдида такдимот килиши мумкин, гурух аъзоларининг з бири айтилган фикрга қўшимча қилиш хукукига эга. Худди шу ада гуруҳнинг бошқа аъзолари унинг фикрларини тинч ўтириб нглашлари лозим. Бунинг натижасида ўқувчиларда тинглаш никмалари шаклланади ва мустахкамланади. Чунки, бу тарздаги ылим жараённида барча иштирокчиларнинг фикри бирдай аҳа-ғятли ва қадрли хисобланади. Демак, барча ўқувчиларнинг лоқот имкониятлари кенгаяди, оғзаки нутқлари ривожланади.

Таълим жараёни ҳар бир синф жамоасида таркиб<sup>^</sup>топган муайян ртиб, қоидалар асосида амалга оширилади. Укувчиларнинг лари ўқитувчи билан ҳамкорликда жорий этган тартиб-коидага **1рчанинг** амал қилишини қатъий талаб қиласидар. Янги, яхши \*крлар кўллаб-қувватланади ва мазкур фикрни баён қиласидар. Ўзувчиларга нисбатан ишонч пайдо бўлади, укувчиларнинг ўзлари уайян карор кабул қила бошлайдилар. Ўз навбатида, улар мазкур форларини химоя қила оладилар. Шундай қилиб, ўқувчилар амиятда, мустақил ҳаёт кечиришда ўзлари учун зарур бўладиган фли ижтимоий кўнкималарга эга бўладилар.

5. Ҳамкорликдаги педагогик жараён натижаларини баҳолаш еҳанизмлари. Ҳамкорлик жараённида ўқувчилар бир-бирларини узатадилар, назорат қиласидар ва баҳолайдилар. Албатта, ўқи-увчи ўқув жараёнининг бошкарувчиси сифатида барча ўқувчичарни кузатади, бу жараёнда уларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга линиши зарур. Бу жараёнда берилган ҳар бир баҳо, маълум алиллар асосида тушунтирилиши ва изохланиши керак.

Баҳолаш жараённида ўқувчилар ўз-ўзларига ҳам баҳо берадилар. **1**у ҳолат уларни ўзларига ташқаридан назар ташлашлари, ўз хатти-дракатларини назорат қила олишларига ўргатади. Давлат гаълим тандартлари талаблари асосида ўқувчилар билимини баҳолашда **1ндивидуал** ёндашиш лозимлиги назарда тутилган. Чунки, ўқувчилар билимини объектив баҳолаш эҳтиёжи шуни тақозо қиласидар. Гурлича имкониятларга эга бўлган укувчиларнинг билимларини Заҳолаш мезонлари ҳам ишлаб чиқилиши зарурлигини мавжуд гажрибалар яққол кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жараённида укувчиларга берилган баҳо қуидаги дидактик имкониятларга эга:

- укувчиларнинг камчиликларини эмас, балки қобилияtlари, имкониятларини аниқлаш ва ривожлантиришга хизмат қиласидар;

- ўқитувчига эса ўқувчиларга нимани, қандай ўргатишга хизмат қиласидар усусларни танлаш имконини беради;

- ўқувчиларни баҳолаш ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона мухитдаги таълим жараёнининг таркиби қисми эканлигини намоён қилишга кўмаклашади;

- ўқувчиларни ижтимоий, хиссий ҳолатлари ва қизиқишларини ривожлантирувчи омил сифатида намоён бўлади;

- ўқитувчи ва ўқувчилар, ўқувчилар ва ўқувчилар орасидаги ўзаро алоқа фаоллиги ва ҳамкорлик фаолиятига таъсир кўрсатувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади;

- ўқувчиларда ўқув жараёнига нисбатан қизиқиши ва интилувчанликни вужудга келтиради;

- укувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият натижасида эришган ютуқларини ифодалайди;

- ўқувчилар фаолияти ҳакида уларнинг ота-оналарига зарур ахборотларни такдим этади.

Демак, ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар замирида ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятининг ўғунашуви амалга ошади. Чунки, айнан шундай ёндашув ўқувчиларни билимларни кўпроқ ўрганиш, улардан амалда фойдаланиш ва синфда соглом, дўстона мухитнинг яратилишига шароит тутдиради.

#### **1.4. Ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этиш имкониятлари ва уни ривожлантириш параметрлари**

Педагогик ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш ва бошкариш ушбу жараён субъектларидан куйидагиларни талаб қиласидар:

- ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини лойиҳалаштириш, уни ташкил этиш;

- ўқувчи ҳамда ўқитувчининг ҳамкорликда фаолият кўрсатишими таъминлаш;

- ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини бошкариш ва назорат қиласидар;

- ҳамкорликка асосланган педагогик фаолиятлар йигиндисини вужудга келтириш кабилар.

Педагогик ҳамкорликка асосланган ўқув-билив жараёнида гор педагогик технологияларни қўллаш учун дастлаб куйидаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Фаол бўлмаган репродуктив усуллар билан ишлайдиган итuvчиларнинг ўқувчилар билан дўстона муносабат асосида мкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

2. Ихтирочи, эркин фикрловчи ўқитувчилар билан ўқувчиларшг ўқув-билив жараёнида ўзаро ҳамжихатлик асосида дўстона ^лоқот ўрнатишларига эришиш.

Педагогик ҳамкорликка асосланган ўқув-билив жараёнида датувчиларнинг ўз олдиларида кўйган мақсадга эришишлари учун, сувчиларни гурухди ҳамкорликка ундашлари зарур. Бунда ўқитувчи ва ўқувчилар гурухи учун умумий муваффақиятни таъмин-ювчи вазифаларни ҳал қилиш устувор ахамиятга эга.

Бундай умумий вазифалар сирасига куйидагилар киради:

1. Уқувчилар гурухини ҳамкорликда ишлаш жараёнига мослаш-фиш.

2. Ўқитувчиларни ҳамкорликда ишлаётган укувчиларнинг эбилиятлари, умумий ривожланишлари, ўзига хосликларини ипхислашга ўргатиш.

3. Ўқитувчиларни ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини шлсил этишга қаратилган педагогик фаолиятларини таҳлил қилиб, **1комиллаштириб** боришига одатлантириш.

Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчилар жамоасига ўқув вазифаларини ҳамкорликда бажартиришга тайёр бўлишлари керак. унки, ҳамкорликда ишлаши назарда тутилган гурухларга ўзаро кин ёки бир-бирига тент билим даражаси ҳамда ўқув кўникмалари, [алакаларига эга бўлган ўқувчилар бирлаштирилади.

Фаол бўлмаган репродуктив усуллар билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаш кўникмалини шакллантириш мақсадида уларнинг педагогик фаолияти ўламини кенгайтиришга устувор ўрин берилади. Ўқитувчининг [мкониятларини уйғунлаштириш натижасида ҳамкорликка асосланган касбий меҳнатнинг интеграллашган, тизимлаштирилган [амунаси вужудга келади. Бу эса, ўқитувчи томонидан амалга шшириладиган ҳамкорликка асосланган фаолиятнинг турли кирра-ри, қисмлари ва параметрларини аниқлашга хизмат қиласди. /қитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ҳамкорликнинг вужудг»: селиши таълим жараёни субъектларида аниқ мақсадларнинг ҳосия

бўлишига кўмаклашади. Бунда ўқитувчи олдида куйидаги вазифалар туради:

1. Ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган ўқув мақсадларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш, бунда укувчиларнинг ўзига хосликлари ва ҳамкорликка кириша олиш имкониятларини хисобга олиш, уларнинг ўқув фаолиятини ўзаро ҳамжихатликда билим олишга йўналтириш, укувчиларнинг миллий ва шахсий қадрияtlарига таянган ҳолда ҳамкорликка асосланган шахста йўналтирилган ўқув-билив жараёнини ташкил этиш.

2. Ўқитувчиларда ҳамкорликка асосланган ўқув жараёни мазмунига инсонпарварлик тушунчаларини сингдирган ҳолда укувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари асосида уларнинг ривожланишларини моделлаштириш кўникмасини таркиб топтириш; бунда ўқитувчи ҳамда укувчиларнинг тажрибаларидан ҳамкорликка асосланган таълим мазмунининг таркибий қисми сифатида фойдаланиш, ўқув жараёни таркибини ҳамкорликда билим олишга асосланган технологияларни кўллаган ҳолда белгилаш.

3. Ҳамкорликка асосланган ўқув жараёнини замонавий технологиилар асосида ташкил этиш эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиккан ҳолда ўқитувчининг ижодий имкониятларини кенгайтириш; бу бир қатор педагогик вазиятларда намоён бўлади: муаммоли, ижодий-жамоавий, лойиҳалаштириш дарслари, дастурлардан фойдаланиш, ўйин ва ўзаро мулокот машгулотлари кабилар.

Ихтирочи, эркин фикрловчи ўқитувчилар ҳамкорликка асосланган **ўқув-билив** жараёнида куйидаги вазифаларни бажаришлари керак:

1. Ҳамкорликка асосланган таълим мақсадидан келиб чиккан **Ҳолда** ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан амалга ошириладиган ўзаро мулокот жараёнидаги тўсиқларни бартараф этишларига эришиш ҳамда таълим жараёни иштирокчилари бўлган укувчиларнинг бир-бириларини ўзаро тушуниш, уларни тенглик, багрикенглик руҳида тарбиялаш.

2. Ўқитувчиларнинг таълим мазмунида ўкувчиларни ўзаро Ҳамкорликка ундейдиган компонентларни мустакил кирита олишларига эришиш, бунда таълим мазмунига киритилган компонентлар ўқитувчи ҳамда ўкувчиларни биргаликда фикрлашга ундаши лозим.

3. Ўқитувчи укувчиларнинг ривожланиш даражаси ташхисла-Рига таянган ҳолда босқичма-босқич ҳамкорликда бажариладиган **Машқлар** ва ижодий топшириқларни мураккаблаштириб боришилари

серак; бунда укувчиларнинг креативликлари, мустақилликлари, <дмжихатликка интилиш, ўкув ҳамда ижодкорлик майлларини эвожлантириш таъминланиши лозим.

Ўқитувчилар ҳамкорликка асосланган таълим жараёнида (суйидаги вазифаларни хал қилишлари лозим:

1. Ўқитувчилар ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнинг барча боскичлари ва унинг натижаларини педагогик нуктаи назардан таҳлил кила олишлари, укувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларига имкон берадиган ўкув-билув жараёнининг мақсади, мазмuni, педагогик воситалари аниқ намоён бўлишини таъминлашлари.

2. Таълим мазмuni, ўқитиш методикаси ва технологияларига киритилган янги ўкув элементларини назарий-дидактик жихатдан асослаб бера олишлари.

3. Олинган натижаларга таянган ҳолда келгусидаги педагогик фаолиятлари, хатти-харакатларини тузатиб, такомиллаштириб бошришлари талаб этилади.

Ўқитувчининг нуктаи назарлари ўзгариши педагогик жараёнидаги кўпгина муваффақиятларни таъминлайди. Бу ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнiga раҳбарлик қилишида яққол намоён бўлади. Бу ҳолат қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқитувчиларнинг ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш мезонларини ўзлаштирганликлари;

- ўқитувчиларнинг касбий, шахсий ривожланишини таъминловчи педагогик моделни ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида қўллай олишлари;

- ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида укувчиларнинг ҳамжихатликда ривожланиш даражаларини ташхислайдиган методларни қўллай билишлари;

- ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини лойиҳалаштира олиш кўнимасига эга бўлишлари талаб қилинмоқда.

Ҳамкорликка асосланган ўкув-билув вазияти ўз характеристига кўра мунтазам, ривожланувчи, жараёнили фаолиятдир. Ушбу педагогик жараённинг муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчи ва укувчиларнинг хоҳиш-иродаси, онглилиги, фаоллиги мухю\* аҳамиятга эга. Бирок, кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, анъанавий ўкув вазияти, усууллари, методлари ва воситаларидан возкечиш бир қадар мураккаб бўлмоқда. Бунинг учун ўқитувчилар

ҳам, ўқувчилар ҳам ҳамкорлик қилишга рухан тайёр бўлишлари керак. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун дастлаб куйидаги-ларни бажариш лозим:

1. Ўқитувчи-ўқувчилар ҳамкорлигининг шакллари ва амалга ошириш методларини такомиллаштириш;

2. Ўқитувчининг касбий-педагогик билимдонлиги ва мулокот маданиятини ривожлантириш;

3. Ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида ўқитувчи ўзининг ижодий нуктаи назарини татбиқ қилиши учун кулаг дидактик вазиятни вужудга келтириш;

4. Ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида ўқитувчининг маҳсулдор фаолият кўрсатиши майлларини ривожлантириш;

5. Ўқитувчидаги ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини бошқариш маданиятини таркиб топтириш;

6. Укувчиларнинг ҳамжихатликда ривожланишлари ва ўз-ўзларини намоён қилишларини таъминлашга имкон берадиган ўкув-билув вазиятини вужудга келтириш ўз ечимини кутаётган мухим масалалардандир.

Бунинг учун дастлаб ўқитувчилар педагогик фаолиятининг янги тури бўлган ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини ташкил этишга тайёр бўлишлари лозим.

Ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини мақсадга мувофиқ ҳолда таъминлаш учун қўйидагиларни амалга ошириш керак:

а) ўқитувчи ҳамкорликка асосланган ўкув жараёни мазмунини бойитиши, уни ўқувчилар орасида дўстона муносабатларни шакллантириш га йўналтириши;

б) ўқитувчи ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида укувчиларнинг биргаликда муваффақиятга эришишлари учун кулаг шароит яратиши, ўкув материалларини ўзаро ёрдам мухитида ўрганишларига кўмаклашиши, улар орасидаги дўстлик ва ҳамжихатлиликни қўллаб-қувватлаши;

в) ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида ўқитувчи Укувчиларнинг қизиқишлари, интилишларини изчил тарзда диалог асосида ривожлантиришга йуналтира олиши;

г) ҳамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнида ўқитувчи ўкув материалларини укувчиларнинг шахсий тажрибалари, билимлари билан уйгунлаштирган ҳолда такдим эта олиши лозим.

Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ўқув мақсади н боғлиқ ҳолда педагогик жиҳатдан таъминланиши ҳам мухим **1клик** аҳамиятга эга. Хамкорликка асосланган ўқув-билув **1ёнида** муайян ўқув вазиятини коммуникативлик, биргаликдаги шятта йўналтирилганлик жиҳатидан таъминлаш ҳам мухим **I** эгаллади. Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараённида мчи навбатда, укувчиларнинг биргаликдаги умумий тарақглари таъминланиши зарур. Бу типдаги ўқув жараёнларида зчи билан ўқитувчи, ўқувчи билан ўқувчилар орасида ўзаро оқот, диалог тарзидаги сұхбат, фикр алмашиш учун қулай агогик вазият вужудга келтирилиши талаб этилади. Ўқув-билув аёнида укувчиларнинг хамжиҳатлик асосидаги умумий ожланишлари учун аҳамиятли бўлган натижалар кўлга итилади. Ушбу натижалардан келиб чиқкан ҳолда, ўқитувчи в жараённида ўзаро хамкорликнинг қай даражада йўлга илганлиги ҳақида хулоса чиқара олади.

Ўқув-билув жараёни самарадорлигини таъминлашда касбий ората га бўлган ўқитувчилар билан укувчиларнинг ўзаро [корликлари, бир-бирларининг тажрибаларидан ижодий фойда: а олишлари мухим аҳамият касб этади. Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараённида ўқитувчининг педагогик фаолияти ўқувчи-нинг тараққиётига йўналтирилади. Амалдаги анъанавий таълим раённида ўқитувчининг бутун эътибори ўқувчининг билим, шкма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилгани ҳолда хамкорликка асосланган ўқув-билув жараённида бу фаолият /вчиларни ўзаро хамжиҳатлик ва дўстона муносабатлар асосида одий ривожлантиришга қаратилади. Бунинг учун ўқитувчи факат педагогик маҳорат, балки замонавий билимлар, таълим шологиялари билан куролланган бўлиши керак. Ўқигувчи «корликка асосланган ўқув-билув жараёнининг туб моҳияти, змуни, мақсад ва вазифаларини ҳам яхши билиши талаб этилади.

Ўқитувчи хамкорликка асосланган таълим жараёнининг дактиқ хусусиятлари ва тамойилларини ўрганиш билан бир торда, биргаликдаги ўқув фаолиятини методик жиҳатдан узлук-з таъминлаш йўллари, ўқувчиларда ўз фаолиятларини дўстона дгосабатлар асосида ташкил этиш тажрибасининг шаклланиши, ълим олувчиларни ривожлантириш имкониятлари, ўқувчиларни гтеллектуал ривожлантиришга хизмат қиласиган вазиятларнинг **1pc** жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини англаб олади. Шу билан бир

қаторда, ўқитувчилар укувчиларнинг хамкорликдаги фаолиятларини ташхислаш йўллари, методларини ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёни натижаларини ташхислашда ўқитувчилар қуидагиларга амал қилишлари керак:

1. Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёни ўқувчиларни ривожлантириш имкониятини таъминлай олиши ва ўқитувчининг ўзаро хамкорлик жараёнини ташкил этишга тайёрлиги.

2. Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнининг ўқувчилар орасида дўстона мухитни таркиб топтиришга кодирлиги.

3. Ўқитувчининг хамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга йўналтирилган фаолияти самарадорлиги.

Ўқитувчиларнинг хамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда таяниладиган тамойиллар ва назарий ёндашувларни билишларини қуидаги параметрлар ёрдамида аниқлаш мумкин:

а) хамкорликка асосланган таълим жараёнига технологик жиҳатдан ёндаша олишлари;

б) хамкорликка асосланган таълим жараёнига инсонийлик тамойиллари асосида ёндашишлари;

в) ҳамда укувчиларнинг имкониятларини билиш ва баҳолай олиш йўналишлари орқали кабилар.

Ҳар бир параметр бўйича амалга оширилган фаолият кулагини аниқлаш учун ташхислаш методикасидан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай ташхислашдан кўзда тутиладиган мақсад ўқитувчиларнинг хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш фаолиятига тайёрлик даражасини аниқлашдан иборат. Ташхислашнинг биринчи йўналиши ўқитувчининг касбий-шахсий сифатлари, педагогик маҳоратини аниқлашга қаратилиши лозим. Бунда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ўқитувчи педагогик тафаккурининг ўқувчилар орасида Хамкорликка асосланган дўстона мухитни вужудга келтиришга йўналтирилганлиги;

- ўқитувчининг ўз педагогик фаолияти ва ўқувчилар билан ишчан диалог ўрнатишга бўлган ижодий муносабати;

- ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини ўқувчилар билан Хамкорлик ва дўстона муносабат ўрнатишга қаратиши;

- ўқитувчининг ўқувчилар билан хамкорлик ва дўстона **Муносабат** ўрнатиш йўлида учрайдиган тўсикларни бартараф этишга интилиши кабилар.

Хамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини мақсадга оғын тарзда ташкил этиш учун, барча ўқитувчилар хамкорликка ланган таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва гологияларини яхши билишлари керак. Ўқитувчининг хамкорка асосланган ўкув жараёнига муносабати, уз қасбий фаолияти ривожлантиришга интилиши, дўстона мухитни вужудга гириш учун ҳар томонлама қулай бўлган педагогик шарт юитларни таъминлай олиши мухим аҳамиятга эга.

Хамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини ташкил этишда гувчининг ўзини қасбий ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи им аҳамият қасб этади. Шу мақсадда мактаб жамоаси тувчининг қасбий маҳоратини ривожлантириш йўлида бир эр ишларни амалга ошириши керак.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ўқитувчилар арининг хамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил шга оид педагогик маҳоратларини мавжуд даражасидан кура >рироқ баҳолайдилар. Ўкув-билув жараёни муваффақиятини минлаш учун ўқитувчи ўзи билан ўқувчилар ҳамда ўқувчилар ан ўқувчилар орасидаги қарама-каршиликлар, номутаноси-ларни зудлик билан бартараф эта олиши керак. Бундай харакат ф жамоаси орасида қулай, муваффақиятли, дўстона муносаларга асосланган ўкув ҳамда ижтимоий мухитни вужудга тиради. Бунинг учун ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини омиллаштириши ва хамкорликка асосланган таълим техноло-ларини мунтазам ўзлаштириб бориши керак.

Мухим масалалардан бири, хамкорликка асосланган ўкув-гув жараёнини ташкил этишда турлича тайёргарлик даражасига бўлган ўқитувчиларни аниқлаш ва улар фаолиятини мувофиқ-**1тириш** учун педагогик ёрдам ва қўллаб-куватловни ташкил шдан иборатdir.

Иzlанишларимиз давомида ечилиши назарда тутилган вази- гардан яна бири, ўқитувчининг педагогик хамкорликка асослан- ўкув-билув жараёнини ташкил этишга тайёрлигини аниқлаш ва масалада унга педагогик ёрдам кўрсатиш муаммосини хал шдан иборат. Ўқитувчини хамкорликка асосланган ўкув-билув эаёнини ташкил этишга тайёрлашда куйидаги принципларга ниш мақсадга мувофиқдир:

- хамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини ташкил [щца ўқитувчи фаолиятининг мунтазам ўзгарувчан, ривожла-

нувчанлигини таъминлаш, унинг фаолиятида инсонийлик, демократия, ишchan диалогга киришувчанлик, багрикенглик, креативлик-нинг намоён бўлишини таъминлаш;

- ўқитувчининг хамкорликка асосланган ўкув-билув жараёнини ташкил этишга тайёрлигини нафакат унинг натижалари, балки жараённинг ўзи ҳам ифодалай олишига эришиш;

- ўқитувчининг фаолиятига берилган баҳо нафақат у бажара-диган вазифа, балки педагогик хамкорлик ва дўстона мухитни вужудга келтиришга оид қасбий хатти-харакатларда ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Анъанавий усулда ишлайдиган ўқитувчилар дастур материалларини ўқувчиларга етказиш тажрибасига эгадирлар. Улар ўкувчиларга таълим беришда когнитив йўналишни қўлладидилар ва шу йўналиш доирасида укувчиларнинг ютуқларини таъминлайдилар. Бундай тоифадаги ўқитувчилар ўкувчилар билан хеч қандай тўсикларсиз мулокотга киришадилар. Улар ўз қасбий маҳоратлари ва билим даражаларини ривожлантиришга эҳтиёж сезмайдилар. Бундай ўқитувчилар хамкорликка асосланган таълим жараёнида ўкувчилар шахсий ривожланишининг ташхиси билан шугуллан-майдилар. Шунинг учун ҳам бу тоифадаги ўқитувчиларда ўкув-билув жараёнини хамкорлик асосида ташкил этиш тажрибаси мавжуд эмас.

Ижодкор, мустақил фикрловчи ўқитувчилар ўз педагогик фаолиятларини изчил тарзда такомиллаштиришга интиладилар. Улар таълим-тарбияга оид янгиликлар, инновацион технологиялар, уларнинг ривожланиш жараёнлари ҳақида ўз қарашларини баён киладилар. Бундай ўқитувчилар ўз фаолиятларида янгиликларни жорий этишга интиладилар. Улар ўкувчиларга нисбатан қўнгил-чанлик билан муносабатда бўладилар. Чунки уларда ўз олдиларига кўйилган мақсадга эришиш учун ишонч этишмайди. Бундай ўқитувчиларнинг хамкорликка асосланган таълим жараёнига бўлган қизиқишлири методик машгулотлар, педагогик тренинглардан кейин пайдо бўлади. Юкори қасбий маҳоратга эга бўлган ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш натижасида ўзлаштирган тажрибаларига улар қисқа мuddат мобайнида амал қилиб, яна ўзлари учун қулай бўлган иш усулига қайтадилар. Улар Хамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга оид ёндашувлар, билим ва тушунчаларни асосан малака ошириш курслари ва мактаб услубий кенгашларида ўзлаштирадилар, бироқ

фаолиятлари давомида мазкур билимларни кенгайтиришга илмайдилар.

Ижодкор ўқитувчилар эса, хамкорликка асосланган педагогик нологиялар ва инновацияларни ўзлаширишга бўлган баркарор юносабатлари билан ажралиб турадилар. Улар хамкорлик ва тона муносабатларга асосланган педагогик фаолиятга нисбатан кдрор, ижобий муносабатларини намоён этадилар. Узлари хам навбатида бошқа ўқитувчилар ва ўзлари даре берадиган чвичилар билан мустаҳкам хамкорлик ўрната оладилар. Хамкорска асосланган ўқув-билув жараёнига нисбатан кучли, баркарор (иқиши билан қарайдилар. Ўзларининг касбий маҳоратлари, хулк-юрлари, нуктаи назарларини хар томонлама ташкил кила шилар. Бундай ўқитувчилар ташхислаш методикаларини яхши гсадилар ва уларни ўз ўрнида кўллай оладилар. Мазкур фаолият шари бўлган ўқитувчилар вазиятга қараб иш тутадилар. Бирок, ар баъзан ўз атрофларида гиларни тушунмаслик, даре жараёнида сгнинг етишмаслиги, уни тўғри тақсимлай олмасликларидан йналадилар. Улар укувчиларнинг ўзларига бўлган ишончлари ва стона муносабатларини юксак кадрлайдилар. Бундай ишончни ар билан хамкорликка ундовчи асосий омил сифатида ҳолайдилар.

Ўз касбларига нисбатан юксак даражада муҳаббат билан дашадиган ўқитувчилар шахей-касбий ривожланишга кучли тиёж сезадилар. Бундай ўқитувчилар педагогик хамкорлик осониятларини кенгайтиришга астойдил харакат қиласидилар. Кувчилар орасидаги хамкорлик ва дўстона муҳитни ривожлан-диришда ўқитувчининг ўрни муҳимлитетини яхши тушунадилар. Едагогик хамкорлик жараёнини кенгайтиришга хизмат қиласидиган тактик технологиялардан самарали фойдалана оладилар. Бундай ситувчилар зарур бўлган вазиятларда ўқув-билув жараёнига ^затишлар киритиш билан педагогик хамкорлик муҳитини ,жудга келтиришга тўсик бўладиган холатларни бартараф этишга жшадилар. Бу тоифадаги ўқитувчиларнинг асосий мақсади - кувчи шахеини ривожлантириш хамда хамкорликка асосланган кув-билув жараёнида кутилган самарадорликка эришишдан ибратдир. Улар хамкорликка асосланган таълим тамойиллари, ушунчалари, технологияларини чукур идрок этадилар ва ўкув-илув жараёнида уларга таянадилар.

Кузатишлар, илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, хамкорликка асосланган педагогик жараённи ташкил этиш ўқитувчининг касбий маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Педагогик амалиётда хамда Р.Сафарова, Б.Р.Адизов, О.А.Абдуллина, Г.А.Божович, В.С.Ильин, Е.А.Крюкова, А.Н.Леонтьев, Н.В.Кузьмина, Л.М.Митина, Г.И.Шукиналарнинг ишларида мазкур ёндашув ўз ифодасини топган.

Мактаб маъмурияти ва услубий бирлашмалар хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ташкил этишга ўқитувчини хар томонлама тайёрлашга оид педагогик чора-тадбирлар тизимини қўллаши керак. Чунки ўқитувчининг хамкорликдаги таълим жараёнини ташкил этишга тайёр бўлишини таъминлаш ўта мураккаб, кўп ҳадли педагогик жараёнда амалга ошади.

Хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини амалга оширишга қодир бўлган ўқитувчи шахеида куйидагилар мужассам бўлиши керак:

- мазкур ўқитувчилар Узбекистон Республикасида таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, дўстона муносабатлар асосида ташкил этиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёндашувлар ва уларнинг асосий параметрларини яхши билишлари;

- таълимнинг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ўқув жараёнининг хусусий мақсадлари ва хамкорликда бажаришга йуналтирилган ўкув топширикларини танлай олишлари;

- хамкорликка асосланган ўкув жараёнини ўқувчиларни хар томонлама ривожлантириш ва диалогга чорлаш нуктаи назаридан ёндашган ҳолда лойиҳалаштиришлари;

- ўзларининг ўкувчилар билан хамкорлик ўрнатиш ва дўстона муносабатларга киришиш соҳасидаги эҳтиёжларини қондира олишлари;

- хамкорлик ва дўстона муносабатларга асосланган ўқув-билув жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқара олишлари;

- укувчиларнинг хар томонлама ривожланишларида ўзаро хамкорлик ва дўстона муносабатларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб ета олишлари;

- ўз фаолиятларида хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ташхислаш методикасини самарали кўллай олишлари;

- ўз фаолиятларида хамкорликка асосланган таълим технологииларидан мунтазам, самарали фойдалана олишлари;

- хамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга замонавий педагогик-психологик билимлар, ахборот технологари билан қоролланган бўлишлари;
- хамкорликка асосланган ўқув-билув жараённида вужудга таан қарама-қаршиликлар, муаммоларни билимдонлик билан нгина хал қила олишлари;
- хамкорликка асосланган таълим жараённида йўл кўйилган чиликларни аниқлай олишлари ва бартараф эта билишлари;
- хамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнининг самаралигини таъминлашга хизмат қиласиган педагогик маҳоратга эга [ишлари лозим.

### **1.5. Педагогик хамкорлик жараёнининг мазмуни ва уни ташкил этиш тамоиллари**

«Педагогик хамкорлик» назарияси билан шугулланувчи гахассислар уни таълим жараёнининг инсонпарварлаштирилган, хсга йуналтирилган модели сифатида баҳолайдилар. Чунки, «корликка асосланган педагогик жараённинг мақсади ўқувчи-энинг индивидуал-психологик хусусиятларини хисобга олган лда уларнинг эркинликлари ва ҳуқукларини ҳурмат қилиш эсида таълим-тарбиявий таъсир кўрсатишни назарда тутади.



-раем. Даре жараённида амалга ошириладиган хамкорлик шакллари

Педагогик хамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда: ўқитувчи-синф жамоаси, ўқитувчи-кичик гурух, ўқитувчи-катта гурух, ўқитувчи-ўқувчи, кичик гурух-кичик гурух, кичик гурух-синф каби ташкилий шакллар намоён бўлади.

Хамкорликда ўқитиши технологияларидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос педагогик-психологик ва услубий асослари яратилмоқда. Улар:

ДТС ва уларга мувофик даражада ўзлаштирилиши талаб килинадиган янги билимлар ҳажми асосида ўқув машгулоти иштирокчиларининг хамкорликда ишлашлари учун шарт-шароит белгилаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ўқув режа, ўқув дастур, ўқув материаллари, дарс мавзуси, ўқув жараёни модели, технологик харитаси, дарс ишланмаси ва х.к;

хамкорлик мухитига киришадиган уқувчиларнинг психологияк, ёш хусусиятлари ва ўзлаштириш имкониятларини хисобга олиш, машғулотларда хар бир ўқувчи учун кулагай, эркин, хиссий кўтарикилик мухитини яратиш, эркин мулоқотни сифатли уюштиришда дарс мавзуси, мазмуни, кўлланилаётган тушунчалар, атамалар, таърифлар, формулаталар ва бошқаларнинг ўқувчилар учун тушунарли, қизикарли бўлишини таъминлаш;

машғулот учун зарур дидактик, когнитив, визуал восита-ларни олдиндан тайёрлаш, мулоқот усуслари ҳамда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиши ташкил килиш кабилар.

Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги хамкорлик - таълим жараёнининг асосини ташкил килиши лозим. Хамкорликка асосланган педагогик жараённинг таркибий кисмлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: -

- таълим жараённида қўлланиладиган инновацион усуслар;
- инсонпарварликка асосланган демократик ёндашувлар;
- ўзаро ишчан мулоқотга асосланган диалог мухити;
- ишчан педагогик мухит кабилар.

Педагогик хамкорлик жараёнини ташкил этишда куйидагилар **“УХИМ** аҳамиятга эга. Улар: интерактив усуслардан фойдаланиш, Ўқувчиларга ахборотларни жадал тарзда тақдим килиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, изланувчанликка асосланган ижодий мухит яратиш, диалогдан самарали фойдаланиш, ўқувчиларни турли дидактик ўйинларга жалб қилиш кабилар.

Педагогик хамкорликни таъминлашнинг мақсадли йўналиш-  
1 мавжуд. Жумладан:

- педагогик талабдан педагогик бевосита ва билвосита муо-  
а, мулокот ва муносабатга ўтиш.

- ўқувчиларга эркин, хиссий, инсоний ва шахсий ёндашув  
сида таълим бериш: ўзаро хамжихатлик, тушуниш, англаш,  
ул килиш, хамдардлик, кўмаклашиш, ижобий хис-туйғуларни  
эдалаш мухитини таъминлаш кабилар.

Хамкорликка асосланган таълим жараёни ўзига хос  
хатларга эга. Бундай ўзига хосликлар сирасига:

1. Ўқувчиларни фаоллаштирувчи, ривожлантирувчи дидактик  
жмуаларга эга бўлиш; мавжуд дидактик мажмуалардан ўкув-  
пув жараёнода кенг фойдаланилади. Ушбу мажмуалар билан  
шаш ўқувчиларга қувонч бағишлиши, уларда хаётий кўникма ва  
лакаларни шакллантиришга хизмат килиши, ўқувчиларга ўкув  
териалларидан эркин танлов асосида фойдаланиш имкония-  
нинг берилиши, ўкув материаллари укувчиларнинг эҳтиёжлари,  
ланишлари, хоҳишларига мое келиши, ўқувчиларга ҳар бир  
рсда янги билимлар билан учрашиш имкониятини бериши, ўкув  
атериаллари ёрдамида укувчиларнинг дунёкарошлари ва тассав-  
флари кенгайиши, ўкув материаллари таркибига таълимий  
шнларнинг сингдирилиши, ўкув материаллари ўқувчилар маъна-  
**япини** юксалтириши, уларни мустакил ва танқидий фикр  
ритишига ўргатиши лозим.

2. Ўқувчилар шахсига нисбатан инсоний ёндашувни таъмин-  
аш. Бунда ўқувчилар билан демократик муносабатларни ўрнатиши  
**лаҳслараро** дўстона муносабатларни ўрнатишнинг мухим тамо-  
или бўлиб, бундай муносабат ўкув-билув жараёни самара-  
орлигини таъминлайди. Бундай муносабат замирида ҳар бир  
чукучини мустакил шаҳе сифатида тан олиш, уларнинг хуқуқла-  
гинани хурмат килиш, хис-туйғуларини тушуниш, уларнинг карор-  
гарини эътироф этиш ва унга ишониш, укувчиларнинг эркинлик-  
харл таъминланиши, аълочилар билан паст ўзлаштирувчи ўқувчи-  
гарнинг хуқуқларини tengлаштириш, уларнинг бир-бирларига  
кўмакдош бўлишларини таъминлаш имконияти вужудга келиши  
нозим.

3. Инсонпарварликка асосланган хамжихатлик мухитини  
карор топтириш. Хамкорликдаги ўкув-билув жараёнода инсонпар-  
варликка асосланган педагогик мухитни қарор топтириш хам;

алоҳида аҳамиятга эга. Инсонпарвар, демократик, жамоавий  
хамкорлик жараёнда ўқувчиларда мустаҳкам билим, кўникма ва  
малакаларни ҳосил қилиш, уларга нисбатан муруват ва меҳр-  
муҳаббат, садоқат билан муносабатда бўлиш, уларни эзгу ишларга  
руҳлантириш, хамкорлик, ўзаро муомала ва мулокотда педагогик  
маҳорат кўрсатиш, ўқувчилар орасида ижобий мухитни қарор  
топтириш, уларнинг камчиликларига нисбатан багрикенглик билан  
бардошли муносабатда бўлиш лозим.

Демократик муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.  
Ўқитувчи хамда ўқувчилар орасидаги демократик муносабатлар  
қўйидагиларни таъминлаш имконини беради:

1. Ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатларни барқарор-  
лаштириш.

2. Дарсда хамжихатликка асосланган ижобий мухитни вужуд-  
га келтириш.

3. Ўқувчиларда эркин танлов ва ўз фикрини ҳимоя қилиш  
кўникмасини шакллантириш.

4. Педагогик жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро  
тенглика асосланган муносабатларни қарор топтириш кабилар.

Педагогик жихатдан ўз фаолиятини ташкил этиш ўқитув-  
чининг ўз ички имкониятларини рӯёбга чиқаришга лаёқатлиги-  
дир. Бу унинг фаолиятига инсоний мазмун беради. Ички имко-  
ниятларни рӯёбга чиқариш муайян ташаббускорликни талаб  
қилади. Онг таркибининг истиқболдаги фаолиятга кўрсатадиган  
таъсирини белгилаш ғояси мустакил билим олиш тажрибасининг  
шаклланишида педагогикага хамкорлик назариясига оид тадқикот-  
лар орқали кириб келган. Бу ўз фаолиятини хамкорлик асосида  
амалга ошириш соҳасидаги ёндашувга таянади. Бу жараёнда ўқи-  
тувчи янги сифат кўрсаткичига эга бўлган билимларни ўзлашти-  
ришга кўмаклашади.

Инсоний нуткай назардан шахснинг ўз фаолиятини ташкил  
етиши педагогик хамкорликка оид асосий тушунчаларни англаш  
имконини беради. Хамкорлик педагогикаси уйгунлашган дидактик  
жараёнларни таҳлил қилиш ва ўз фаолиятини ташкил қилиш  
методларини изчил татбиқ этишга йўналтирилгандир. Бу ўта  
мураккаб, очик, номуназам ривожланувчи тизим бўлиб, унинг  
Узига хос жихати ўз фаолиятини мустакил этишида намоён  
бўлади. Мазкур тизимнинг ички имконияти ўзида янги сифатга эга

лган ҳаёт учун зарур ҳамкорлик жараёнини намоён қилишидир.

